БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 31 (17.024). ● 5 февраль 1978 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

# ЗАРБДОР ЙИЛДА—ЮКСАК СУРЪАТ!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЯНГИДАН-ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА.

## ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ МАРДОНА СЎЗИ

План — қонун, уни бажариш — бурч. Мажбурият эса ҳар бир меҳнаткашнинг дил сўзи, партия даъватига фидокор меҳнати билан берадиган амалий жавоби. Мажбуриятни адо этиш ҳар бир меҳнат кишисидан ўзи ишлаётган жойдаги имконият ҳамда резервлардан самарали фойдаланишни, ўз қобилияти ва маҳоратини мукаммал сафарбар этишни тақозо қилади. План — партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий қуроли. План тасдиқланиб, қонун кучига кирганидан кейин фақат бир мажбурият қолади — уни бажариш, бажарганда ҳам кам чиқим ва яхши кўрсаткичлар билан адо этиш керак.

Экономикани ривожлантириш ҳозирги босқичининг хусусиятларидан бири шуни, масъулиятли қатор вазифаларни бир вақт ичида ҳал этишга тўғри келади. «Лекин шунга қарамай, — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь Пленумидаги нутқида, — ресурсларни ўз вақтида асосий йўналишларга жамлаш, бирламчи проблемаларни тўғри белгилаш, яъни проблемаларнинг халқ хўжалиги учун аҳамиятига қараб уларни ҳал этиш навбатини тўғри белгилаш зарурлиги тўғрисидаги масала бизнинг олдимизда кўндаланг бўлиб турибди».

Ўзбекистон ССР саноат, транспорт, алоқа, илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари, министрликлар, идоралар ва саноат бирлашмалари ходимларининг кеча матбуотда эълон қилинган 1978 йилги социалистик мажбуриятлари ана шундай партиявий талаб асосида кенг муҳокама этилиб қабул қилиндики, бу мажбуриятларнинг муваффақиятли адо этилиши улуғвор ўнинчи беш йиллиннинг учинчи зарбдор йили суръатларини аниқ ифодалаб беради. Ишчилар синфининг бу йилги социалистик мажбуриятлари Улуғ Октябрь 60 йиллиги, СССР янги Конституцияси қабул қилиниши туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати гоят ўсган бир вазиятда, тўпланган бой тажрибаларга асосланиб, имкониятлар ҳамда ички резервлар назарга олиниб қабул қилиндики, бу — КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш соҳасида республикамиз ишчилар синфининг астойдил ҳаҳди, мардона сўзидир.

Республикамиз ишчи ва мутахассислари 1978 йилнинг юксак социалистик мажбуриятларини барча соҳаларда муваффақиятли бажариш учун кураш мусобақасини авж олдириб юбордилар. Бу йил ўз мазмун ва моҳият эътибори билан самарадорлик ва сифат учун кураш натижаларига бой бўлади. Самарадорлик ва сифат учун олиб борилаётган умумхалқ нурашига актив қўшилиш — энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, маҳсулот сифатини муттасил яхшилаш, унинг техникавий даражасини, пишиқ-пухталиги ва чидамлилигини ошириш, асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўлиқроқ фойдаланиш, халқ мулкини эҳтиёт қилиб асраш, ҳом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиядан оқилона фойдаланишга интилиш, иқтисодий тежашни кучайтириш демакдир.

Саноатимиз ходимлари бу йил 1977 йилда эришилган даражага нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 7,2 процент оширишга азму қарор қилдилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқ 1,5 баравар ортиғи билан бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Пландан ташқари 20 миллион сўмлидан знёд фойда олинади. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ва унинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик планн 21 декабргача бажарилди.

Бизнинг давримиз — совет кишилари янгидан-янги ажойиб ташаббуслар билан майдонга чиқаётган даврдир. Республикамиз ишчи коллективлари ўз тажрибаларигагина эмас, балки мамлакатимиз меҳнаткашларининг умумий мулки бўлиб қолган кўпгина тажриба ҳамда ташаббусларга ҳам асосланиб иш тутадилар. Бугунги кунда Тошкент саноатчилари ва Андижон ирригаторларининг беш йиллик уч йили топшириғини СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунинг бир йиллигигача бажариш учун кураш мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш ҳаракати ишдошлари ҳар бир корхонада кўпайиб бораяпти. Москвалликларнинг меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ва маҳсулотнинг сифатини оширишга қаратилган ташаббуси, ленинградликларнинг янги қурилишлар буюртмаларини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги даъвати кенг қўллаб-қувватланмоқда. Львовликларнинг сифатни назорат қилиш комплекс системасини жорий этиш, челябинскликларнинг металлни тежаш соҳасидаги ташаббусига амал қилиш афзалликлари ёркин кўриниб турибди.

Янги техника ва илғор технологияни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида самарадорлик ва сифат учун кураш мусобақасини авж олдириш натижасида республикамиз ишчилар синфи планга қўшимча маҳсулотлар тайёрлаш юзасидан юксак мажбуриятлар олдилар. Планга қўшимча тарзда 350 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жумладан, халқ истеъмол киладиган 70 миллион сўмлик мол планга қўшимча реализация этилади. Белгиланганидан 100 минг тонна кўмир, 160 миллион куб метр газ кўп қазиб чиқарилади, 5 минг тонна пўлат, 90 минг тонна минерал ўғит, 45 минг тонна пахта толаси, 500 минг метр шойи газлама, 240 минг жуфт чарм пойафзал, 9 минг тонна ўсимлик мойи, 4 минг тонна сериаймоқ сут маҳсулоти ва бошқа маҳсулотлар планга қўшимча тайёрланади. Сифат кўрсатчиларини муттасил яхшилаб боришга аҳд қилган саноатчиларимиз бу йил давлат Сифат белгиси билан ўтган йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўп маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Саноатчиларимиз, транспортчиларимиз, алоқа ходимлари, илмий ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг коллективлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ўзларининг бутун кучларини, билимларини, ижодий изланишларини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга, социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга сафарбар қиламиз, 1978 йил топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлаймиз, жонажон партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги ютуқларни қўлга киритамиз, деб астойдил ишонтирдилар.

Бу мажбуриятларни бажариш партия ва ҳукуматимизнинг халқ моддий фаровонлигини ошириш сохасидаги доимий ғамхўрлигига республикамиз меҳнаткашларининг амалий жавоби бўлажак. Бу улкан марраларни эгаллаш учун социалистик мусобақа афзалликларидан самарали фойдаланишимиз зарур. Социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш, унинг таъсирчанлигини ошириш партия, совет, хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим бурчидир. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йилликда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, мажбуриятлар ва мукофот планлар сафарбар этувчилик руҳида бўлишига, уларда мавжуд резервлар тўла ҳисобга олинишига эришиш керак.

Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мактубига жавобан бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишга аҳд қилишган. Ҳосилнинг 90 проценти агрегатлар ёрдамида териб олинади. Колхоз миришкорлари бу улкан маррани эгаллаш учун дала ишларини шу кунларданоқ қизитиб юбордилар. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш тезкорлик билан олиб борилаётир.

Колхоз устахонасида ҳам иш қизғин. Механизаторлар эниш агрегатлари, ҳайдов, чопиқ тракторлари ва техника воситаларини сифатли ремонт қилиб, баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлашяпти. Ремонт қилинган агрегатлар сифат комиссияси томонидан текширилаётир. Суратда: бош агроном Н. Муҳаммадиев ва колхоз раиси Ш. Назаров ўртоқлар.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

## ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЯДИ

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАСТДАРҒОМ КОЛХОЗЛАРАРО ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

### *СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ*

Пастдарғом чорвачилик комплекси коллективи КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларига амал қилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубига жавобан ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

— давлатга гўшт сотиш йиллик планини янги Конституция қабул қилинган кунинг бир йиллиги кунигача бажарамиз. 1200 тонна (тирик вазнда) — ўтган йилдагидан 410 тонна ёки 15 процент кўп гўшт етиштириб сотамиз. Қорамол сўқимга боқилгандан кейин 100 процентини ўрта ҳисобда вазнини 420 килограммга етказиб, юқори семизликда топширамиз. Ҳар бир молни бир кеча-кундузда камида 800 граммгача семиртирамиз.

Бузоқбоқар З. Ҳафизова нормадаги 50 та ўрнига сут эмиш даврида 100 та бузоқни боқиш ва бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда ҳар бир бузоқни 900 граммдан семиртириш мажбуриятини олди. Молбоқар Р. Жўрақулов 150 бош ўрнига 250 бош бузоқни боқиш ва ҳар бирини ўрта ҳисобда кунига 800 грамм семиртириш. А. Раҳмонов эса сўқимга боқишнинг охирги даврида бир кеча-кундузда молнинг этига 950 граммга қадар эт қўшишга аҳд қилди. Хўжаликдаги бошқа чорвадорлар ҳам юксак мажбурият олдилар.

Сут берадиган моллар подасини тўлдириш учун колхозларга 1200 бош ғунажин сотишга аҳд қилдик.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш ва қари сигирларнинг ўрнига ғунажинларни парвариш қилиш учун бундан кейин ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берамиз. Ердан, ўғитлардан, сувдан, моддий-техника ва одам ресурсларидан интенсив фойдаланиш негизида ем-хашак экинларининг ҳосилдорлигини оширишга эришамиз.

Ўтган йили олинган 204 центнер ўрнига беда пичанн ҳосилдорлигини 220 центнерга қадар етказамиз, маккажўхори дони ҳосилдорлигини бултурги 102 центнер ўрнига 110 центнерга, силос қилинадиган кўк поянн гектар бошига бултурги 406 центнер ўрнига 500 центнерга етказамиз.

Сўқимга боқилаётган молнинг ҳар центнер семириши учун меҳнат сарфини 15 киши соатга қадар камайтирамизки, бу колхозлар илгари сарфлаганидан қариб 10 баравар кам. Молнинг бир килограмм этига эт қўшишига озуқа сарфини 12 процент камайтириб, 8 озуқа бирлиги — колхозларда сарфланаётганидан уч баравар кам озуқа бирлиги сарфлаймиз. Молнинг этигэ 1 центнер эт қўшиш таннархини 140 сўмга қадар камайтирамиз. 1 миллион 200 минг сўм — ўтган йилдагидан 25 минг сўм ёки 26 процент кўп фойда оламиз. Шундан 600 минг сўмини пайчи колхозларга тақсимлаб берамиз. Комплекснинг рентабеллигини 45 процент оширамиз.

Комплекс қурилишини 1978 йилда тамомлаб, унинг лойиҳадаги қувватини 15 минг бош қорамолни боқиш даражасига етказамиз.

**Мажбуриятлар Пастдарғом колхозлараро чорвачилик комплекси ишчилари, хизматчилари ва мутахассисларининг умумий йиғилишида муҳокама этилган ва қабул қилинган.**

## САНОАТ ХОДИМЛАРИ МАРРАЛАРИ

**Республика ишчилар синфи 1978 йилда планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш юзасидан қуйидаги мажбуриятларни олди:**

100 минг тонна кўмир етказиб берилади.



160 миллион куб метр газ қазиб олинади.

240 минг жуфт чарм пойафзал савдо тармоқларига жўнатилади.

500 минг метр шойи ишлаб чиқарилади.

9 минг тонна ўсимлик мойи харидорларга етказиб берилади.

## ҲАМЮРТ КОСМОНАВТ БИЛАН САММИЙ УЧРАШУВ

Космонавт Владимир Жонибеков ўзининг болалик ва ёшлик даврлари ўтган жонажон Ўзбекистон диёрида меҳмон бўлиб турибди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 4 февралда «Союз-27» кемасининг командири полковник В. А. Жонибековни қабул қилди.

Ш. Р. Рашидов Ватаннинг масъулиятли ва фахрли топшириғини муваффақиятли бажарганлиги билан юртдошимизни қизғин ва сидқидилдан табриклади. У В. А. Жонибековга, барча совет космонавтларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, космосни ўзлаштиришда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов республика меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари тўғрисида, Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми тарихий қарорларини, беш йиллик учинчи йили социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида гапириб берди.

Қизғин, самимий вазиятда ўтган суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, Ўзбекистон ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов, Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири Ю. И. Муратов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ВИЗИТ ТУГАДИ

БЕРЛИН, 3 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги Москва делегацияси бугун бу ердан жўнаб кетди. Делегация Берлинда ўтказилган Москва кунларида иштирок этди. Делегация Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов, И. А. Лихачев номидаги автомобиль заводининг ишчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю. Т. Барулина, КПСС Москва шаҳар комитетининг бўлим мудири Л. М. Перфиловадан иборат.

Аэродромда делегацияни ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Берлин округ комитетининг биринчи секретари К. Науман, ГДР пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари кузатиб қолдилар. Кузатувчилар орасида СССР-ининг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони, армия генерали Е. Ф. Ивановскийлар ҳам бор эди.

## ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

4 ФЕВРАЛГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўр ювилган майдон; учинчи устун— мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топширикка нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЖИЗЗАХ | — | 105,5 | 0,6 | 61,9 |
| АНДИЖОН | 0,5 | 105,0 | — | 83,8 |
| ТОШКЕНТ | — | 100,0 | — | 100,0 |
| Сирдарё | 0,9 | 93,5 | — | 84,7 |
| Наманган | 0,5 | 87,1 | 0,1 | 43,6 |
| Сурхондарё | — | 72,7 | — | 83,7 |
| Бухоро | 1,2 | 65,3 | — | — |
| Самарқанд | 1,0 | 59,0 | — | 29,3 |
| ҚҚАССР | — | 51,7 | — | |
| Фарғона | 0,8 | 47,8 | 0,1 | 45,3 |
| Қашқадарё | — | 43,3 | 0,8 | 19,0 |
| Хоразм | 0,1 | 33,1 | — | — |
| Республика бўйича: | 0,4 | 53,8 | 0,2 | 53,4 |

## КЎП НУСХАДА

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков танланган нутқлари ва мақолалари тўпламини чоп этди. Китобга 1965—77 йиллардаги даврда сўзланган нутқлар, докладлар ва ёзилган мақолалар киритилган бўлиб, улар КПССнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти актуал масалаларини ёритиб беради. Аграр сиёсат ва ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари китобда катта ўрин олган.

«Танланган нутқлар ва мақолалар» тўплами партия ва хўжалик активларига, пропагандистларга, илм-фан мутахассислари ва олимларга, шунингдек бошқа китобхонларнинг анча кенгроқ доираларига мўлжалланган. Тўплам кўп нусхада нашр этилди.

Китоб Москвадаги «Красный пролетарий» босмахонасида чоп этилган. (ТАСС).

## *Расмий ахборот*

### ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР Бош министри А. Н. Муҳаммад ва Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР ташқи ишлар министри М. С. Мутийя ўртасида 3 февраль куни Кремлда суҳбат бўлиб ўтди.

Сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва бошқа соҳаларда икки томонлама Совет—Жанубий Яман муносабатларига доир масалалар юзасидан, шунингдек актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашув давом эттирилди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

### ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Яман Халқ Демократик Республикасининг Бош министри Али Носир Муҳаммад 4 февраль куни Москвадан ватанига жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан ҳукумат делегациясига бош бўлиб, расмий визит билан Совет Иттифоқига келган эди.

ЯХДР ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

### БУХАРЕСТДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БУХАРЕСТ, 4 февраль. (ТАСС). РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бу ерда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Ф. Катушевни қабул қилди. К. Ф. Катушев иқтисодий ҳамкорлик бўйича Совет — Румния ҳукуматлараро комиссиясининг X мажлисида Совет делегациясига бошчилик қилганди.

К. Ф. Катушев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигининг самимий саломларини, шунингдек туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати билан сиҳат-саломатлик ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаб билдирган истакларини Н. Чаушескуга топширди.

Н. Чаушеску қутловлар ва истаклар учун ташаккур билдириб, ўзи ҳам Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларга, КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиумига сидқидилдан саломлар, шунингдек Совет Иттифоқи халқларига янги-янги муваффақиятлар истаб билдирган тилакларини топширишни илтимос қилди.

РКП Бош секретари айтдики, яқинда ўзи сазовор бўлган юксак мукофот — Ленин ордени иккала партия билан халқлар ўртасидаги яхши муносабатларнинг ифодаси бўлиб, улар бу муносабатларни румин ва совет халқлари манфаатлари йўлида, социализм ва коммунизм иши манфаатлари йўлида ривожлантириш ва кенгайтиришга биргаликда интилаётганликларидан далолат беради.

Учрашув вақтида Совет — Румния иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

## ОРБИТАДА САККИЗ ҲАФТА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 февраль. (ТАСС). Юрий Романенко билан Георгий Гречко Ер атрофи орбитасида саккиз ҳафтадан буён ишламоқдалар. Кеча космонавтлар «Прогресс-1» таъминот транспорт кемасининг юкини бўшатиш ва «Салют-6» станциясига ёқилғи қуйиш ишлари программасини тўла-тўкис бажариб бўлдилар. Кунинг иккинчи ярмида киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-27» — «Прогресс-1» космик комплексининг экипажи «Резонанс» эксперименти программасига мувофиқ техникавий синовларнинг навбатдаги туркумини бажарди. Космонавтлар учиш даврида «Салют-6» станциясини киши бошқарадиган «Союз-26», «Союз-27» космик кемаларини ва юк ташувчи «Прогресс-1» транспорт кемасини ўз ичига олган орбитал комплекснинг турлича тузилишида ҳозиргача ана шундай синовларнинг тўрт туркумини ўтказдилар. «Резонанс» экспериментидан кузатилган мақсад — мураккаб орбитал системанинг динамик характеристикаларини ўрганишдан ва унинг конструкциясига таъсир қилаётган нагрузкаларнинг катталигини аниқлашдан иборат.

Бугун орбитал комплекс экипажининг актив дам олиш куни. Космонавтлар планда кўзда тутилганидек, велоэргометрда ва югуриш йўлкасида жисмоний машқлар бажаришмоқда. станция билан кемаларнинг борт системаларини контроль қилмоқдалар, борт ҳужжатлари устида ишламоқдалар, ҳордиқ чиқармоқдалар. Экипажнинг докладларига ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, космик комплекс борт системаларининг ҳолати нормада, Романенко билан Гречко ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Киши бошқарадиган орбитал илмий-тадқиқот комплекси учишни давом эттирмоқда.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

## ДАСТЛАБКИ ҲИССА

Денов пахта заводининг коллективи беш йиллиннинг зарбдор йилида олинган социалистик мажбуриятни бажариш ишига дастлабки ҳисса қўшди. Январь ойи топширигига қўшимча равишда 63 тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқарилди. Ана шу маҳсулотнинг кўп қисмини смена мастери Мазари Ҳамидов бошчилик қилаётган учинчи бригада тайёрлаб чиқарди. Бу коллектив кўп йилдан буён «Ҳар бир смена»да пландан ташқари тола чиқарамиз» шиори остида ишлаб, коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни оқлаб келмоқда.

Деновликлар Бухоро пахта тозаловчиларидан ибрат олиб уч йиллик программани Октябрнинг олтмиш бир йиллигигача бажаришга аҳд қилдилар.

## ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ БИЛАН

Урганчдаги 19-автомобиль корхонасининг шофёри Бобохон Ўринбоев йил бошидан буён уч минг тонна юк ташиб берди. Бу эса икки ойлик топшириқдан кўпдир. Унинг ҳозирги иш суръати беш йиллик мобайнида ўн йиллик нормани бажаришдан иборат ўз зиммасига олган юксак мажбуриятни бажариш имконини беради. Ҳозир у 1980 йил август ойи ҳисобига ишламоқда. Ҳайдовчи юк ташиш графигидан ўзиб, январь ойида уч ярим кун ишлашга етадиган миқдорда ёнилғи тежади.

Бобохон ўз билимини доимо ошириб бормоқда. Бу эса унга техника имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга, машинанинг бекор туриб қолишини камайтиришга ёрдам бермоқда. Унинг машинаси бир ойда 28 кун ишлайди, ҳолбуки планда машинанинг 22 кун ишлаши кўрсатилган.

*Л. И. БРЕЖНЕВ*

# КИЧИК ЕР

**Шу йил 4 февралда Кичик ер (Малая земля)га десант туширилиб, жанг бошланган кунга ўттиз беш йил тўлди.**

**Кўп сонли ўқувчиларнинг илтимосларига биноан Леонид Ильич БРЕЖНЕВнинг «Новий мир» журналининг 1978 йил 2 сонида эълон қилинган «Кичик ер» хотираларини кўчириб босамиз.**

## 1

Урушда мен кундалик тутмаганман. Аммо алангали 1418 кун ва тун сира унутилмайди. Ҳамма фронтчиларда бўлгани каби менинг ҳам хотирамдан асло учмайдиган воқеалар, учрашувлар, жанглар, дақиқалар бўлган.

Бугун мен солдатлар ва денгизчилар Кичик ер деб аталган урушнинг нисбатан кичик участкаси ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. У чиндан ҳам «кичик» — 30 квадрат километрга етар-етмас. У фидойи қаҳрамонлар қони оилан суғорилган заминнинг ҳар бир парчаси каби улуғ ер ҳам эди. Ўқувчи вазиятни аниқ ҳис қилиб олмоғи учун, шуни айтишим керакки, десант куни кўрфазни кесиб ўтган ва Кичик ерга қадам босган ҳар бир киши орден олишга сазовор бўлди. Фашистлар бизларнинг юзлаб одамларимизни ўлдирмаган, чўктириб юбормаган кечув жойлар бўлмаганлигини сира эслай олмайман. Лекин, душмандан тортиб олинган плацдармда ҳамиша 12—15 минг совет жангчилари бўларди.

1943 йил 17 апрелда мен яна бир бор Кичик ерга боришим керак эди. Бу кунни яхши эслаб қолганман, у кунни кичик ерликларнинг биронтаси ҳам унутмаса керак. Ўша куни гитлерчилар «Нептун» операциясини бошлади. Операциянинг номиёқ уларнинг режасини англатиб турарди — фашистлар бизни денгизга итқитиб ташламоқчи эди. Биз буни разведка маълумотларидан билардик. Яна шуни билардикки, улар одатдаги ҳужумга эмас, балки ҳал қилувчи, бош ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда эди.

Менинг ўрним ҳам ўша ерда, олдинги маррада. Цемес қўлтиғига бўртиб кирган Новороссийск шаҳрининг теварак-атрофида, Кичик ернинг тор жанг майдонларида эди.

Худди ўша апрель ойида мен 18-армия снёсий бўлимининг бошлиғи бўлиб тайинландим. Бўлажак жангларни назарда тутиб бу армияни десант армиясига айлантириб, уни икки ўқчи корпус, иккита дивизия, бир неча полк, танк бригадаси билан кучайтиришди, унга Қора денгиз флотининг Новороссийск ҳарбий денгиз базасини оператив жиҳатдан бириктиришди.

Урушда қаерда жанг қилишни танламайсан киши, бироқ, эътироф қилишим керакки, мени бу ерга юборишларидан хурсанд бўлдим. 18-армияни муттасил энг оғир участкаларга ташлашарди, шу сабабли унга диққат-эътиборни кучайтирмоқ лозим эди ва мен у ерда, таъбир жоиз бўлса, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан ишладим. Қўмондон К. Н. Леселидзе ва Ҳарбий кенгаш аъзоси С. Е. Колонинлар билан кўпдан яқин таниш бўлиб қолган эдик. Шу туфайли фронтнинг снёсий бошқармасидан бу армияга келишим менинг тақдиримни аслида фақат қонунлаштирди, холос.

Кечувни биз фақат тунда амалга оширдик. Мен Гелинжик шаҳар пристанига, ёки, бу ердагилар яна, Осводовск деб аталадиган пристанга келганимда, присталда бўш жой йўқ, ҳар хил кемалар тиқилишиб турар, улар одамлар ва юклар билан тўлган эди. Мен «Рица» сейнерига чиқдим. Бу ҳаммаёғидан балиқ ҳиди-анқиб турган эски кема эди, зиналари ғижирлаб турар, борт ва планширлари униқиб қолган, палубаси снаряд парчалари ва ўқлардан лдма-тешик бўлиб кетган эди. Афтидан, бу кема урушгача ҳам озмунча хизмат қилмаган, унинг ҳаёти ҳозир ҳам осон кечмаётганди.

Денгиздан намхуш шамол эсиб турар, ҳаво совуқ эди. Умуман олганда, жанубда киши совуқни шимолдагича нисбатан кучлироқ ҳис қилади. Нега шундай — буни тушунтириб беролмайман, лекин шундайлигича кафилман. Сейнер кўз ўнгимизда шаронтга мослашиб борарди. Унинг ҳар ер, ҳар ерига жангчилар пулемётлар, танкка қарши отадиган қуролларни ўрнатишган эди. Ҳар ким ўзига қулайроқ жойини ларди, бу жой хатто юпқа тахтадан қилинган бўлса ҳам, ишқилиб денгиз томондан ўзларини пана қилиб турса, кифоя эди. Орадан кун ўтмай, бортга ҳарбий лоцман чиқди ва ҳамма ҳаракатга тушиб қолди.

Гўё портда кемалар турадиган жойда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетгандай эди. Бироқ, дастлабки дақиқаларгина кишида шундай таассурот туғдирди. Ҳар бир кема ўз жойини биларди. «Рица» олдинда борар, унинг орқасидан биз мотобот деб атайдиган № 7 ва № 9 кемалар зўр-базўр сузиб келарди. Сейнер уларни шатакка олган эди, қолган кемалар, оир-оиридан 400-500 метр масофада карвон бўлиб тизилиб келарди, биз Кичик ерга қараб борардик. «Денгиз овчилари» бизни кўриқлаб келарди.

Денгиздаги уч соатлик сафар давомида мен янги келган жангчилар билан суҳбатлашиб, одамларни яхшироқ билиб олиш тўғрисида ўйладим. Ялпи суҳбат ўтказишнинг иложи бўлмади. Десантчилар палубада ўз жойларини аллақачон эгаллашганди, уларни жойидан қўзғатгим келмади. Жангчиларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтирганларида бирма-бир айланиб чиқишга қарор қилдим. Кимгадир саволлар бердим, бошқа бирлари билан ҳазил-ҳузул ган қилдим, жангчилар орасида ўтирио суҳбатлашдим. Шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу ердагилар асосан жанг кўриб пишган одамлар эди, улар жанговар руҳда эдилар. Мен шуни яхши билардимки, солдатлар билан суҳбатлашиш зарур эди, лекин бошқа бир нарсани ҳам яхши билардим: баъзи ҳолларда солдатлар оғир учун суҳбатдан кура снёсни ходим, снёсий раҳбарнинг улар билан бир сафда бўлиши, улар бошдан кечираётган барча заҳматлар ва хавф-хатарларга шерик бўлиши янада муҳимроқ роль ўйнарди. Бундай қилиш жанговар вазият кескинлашиб борган сари айниқса муҳим эди.

Анча олдинда, Новороссийск устида тонг ёришмоқда. Артиллериянинг кучли садолари қулоққа чалинио турарди, биз оунга қуниқиб қолган эдик. Биздан чап томонда, олисда денгиз жанглари борарди. Кейинчалик менга айтишларича, у ерда оизнинг ва немисларнинг торпеда отувчи катерлари тўқнаш келган экан. Мен очиқ ўнг қанотдаги бошқариш кўприкчасида лоцман билан ёнма-ён турардим; унинг фамилияси Соколов эди, шекилли.

— Жангчилар, — ҳикоя қилади у, — десантга бир марта борадилар, катерчилар эса ҳар кечада боришади. Бинобарин, ҳар бир кеча — бу жанг демакдир. Қўниқиб ҳам қолдик. Биз, лоцманлар, ҳамма учун алоҳида масъулият ҳис қиламиз. Аслини айтганда, таъбир жоиз бўлса, кемаларни кўпинча тусмоллаб бошқаришга тўғри келади. Қуруқликда сапёрлар миналаштирилган майдонларни аниқлайдилар, ўтиш йўлларини тозалайдилар ва ўз орқаларидан одамларни комил ишонч билан олиб борадилар. Бизнинг йўлларимизни эса немислар муттасил самолётлар ва кемалар билан қайта-қайта миналаштиради. Кеча бемалол ўтган йўлимизда бугун минага қоқилишимиз мумкин.

Цемес қўлтиғига яқинлашганимиз сари жанг садолари қаттиқроқ эшитила бошлади. Тунда плацдармни айтарли бомбардимон қилишмасди, бу ерда эса денгиз томондан душман бомбардимончилари тўлқиндек ёпирилар, уларнинг овозини портлаш садолари кўмиб юборар ва шунинг учун ҳам самолётлар товуш чиқармай сездирмасдан келиб қолгандай туюларди. Улар шу ернинг ўзидаёқ пастга шўнгишар, шу зоҳотиёқ бурилиб бошқа томонга учио кетишарди. Одамларнинг сафи янада жипслашар, жангчиларнинг чеҳраси янада қатъий тус оларди. Тез орада биз ёруғликка чиқиб олдик.

Кечув пайтида тун қоронғулиги, умуман олганда, шартли тушунча оулио қолади. Соҳилдан немис прожекторлари ҳамма ёқни ёритиб турар, бошимиз устида самолётлардан ташланаётган ёриткич ракеталар фонардек деярли узлуксиз осилиб турарди. Қаердандир ўнг томондан душманнинг иккита торпеда катери отилиб чиқди, уларни оизнинг «денгиз овчилари»миз кучли ўт очиб қарши олдилар. Бунинг устига фашистлар авиацияси соҳилга яқин жойларни бомбардимон қиларди.

Дам оиздан узоққа, дам яқин жойга бомбалар тушиб, сувни кўкка иргитарди, прожекторлар шуъласида ва изидан ёрқин шуъла қолдириб учаётган қўларнинг ранг-оаранг ёғдуларида сув қамалакранг товланиб кетарди. Биз ҳар бир лаҳзада зарба кутардик, зарбага ҳам кутилмаганда тўғри келдик. Мен нималар юз бераётганини бирдан тушуна олмадим. Олдинда кучли гумбурлаш садо берди, аланга терак бўйи сапчиди. Кемамиз тилка-пора бўлио кетмадимикан, деган таҳликага бордик. Аслида ҳам шундай оўлиб чиқди: сейнеримиз минага дуч келган эди. Биз лоцман билан ёнма-ён турган эдик. Иккаламизни ҳам портлаш кўкка итқитди.

Мен оғриқ сезмадим. Ўлим тўғрисида ўйлаганим ҳам йўқ, бу ҳаққи рост гап. Ўлим талвасаси ўзининг барча куринишлари билан менга янгилик эмас эди ва гарчи ҳар бир киши бундай ҳолатга кўникиб кетиши мумкин бўлмаса-да, уруш ўз ошинига ҳам шундай ҳол юз беришини доимо ҳисобга олишингни тақозо этади. Тоҳида одам бу пайтларда ўз қиёфаларини, бутун кечган ҳаётини ҳаёлан хотирасидан ўтказади ва ўзига оид қандайдир муҳим ҳақиқатни тушуниб олишга муваффақ бўлади, деб ёзадилар. Эҳтимол, шундай бўлиши ҳам мумкиндир. Лекин менинг шууримда ўша дақиқада шундай бир фикр ялт этди: фақат қайтадан палубага қулаб тушмасам бўлгани.

Бахтимга, мен сейнердан анча узоқда, сувга қулаб тушдим. Сувдан оош чиқариб қараганимда, кемаанинг чўкаётганини кўрдим. Портлаш ундаги одамларнинг оир қисмини ҳам, худди мен сингари, денгизга итқитган эди, бошқалар ҳам бортдан ўзини денгизга отардилар. Мен болалигимдан сузишни яхши билардим, ҳар қалай Днепр соҳилида ўсганман, сувда ҳам узоқни иқотио қуймасдим. Нафасимни рostлаб теварак атроғга қарадим ва икки мотобот ҳам шатакдан чиқио биз томонга винтларини зўрга айлантириб сузио келарди.

Мен №9 ботга яқин келдим, лоцман Соколов ҳам унга сузио келди. Менинг оғоч тутқичига ёпишиб ушлаб елкаларига ўқ дориларни осиб олганлиги саболи сувда зўрга узини ушлаб турган жангчиларнинг ботга чиқишига кўмаклашдик. Ботдан эса уларни юқорига кутариб ола бошладилар. Уларнинг оирпоғаси ҳам, менимча, қуролини ташлаб юбормади.

Прожекторлар аллақачон оизни пайпаслаб топио қадалио турио олган эди. Мисҳакодан бир оз ғарбий томонда Широкая балка районидан артиллерия ўт очди. Мулжални нотўғри олишарди, бироқ портлаш зарби ботни ағдариб юборишдан ҳали-ҳали иргитарди. Ғумбурлаш садолари тинмас, снарядлар эса атрофимизда кутилмаганда портлашдан тухтади. Афтидан оизнинг пушкаларимиз душман батареяларига қарши ут очган бўлса керак. Мана шу шовқин-суроплар орасида мен кимнингдир жаҳл билан бақирганлигини эшитдим.

— Сен нима, кармисан? Қўлингни чўз!

Менга қўл чўзио қичқирган одам, кейин маълум бўлдики, иккинчи статья старшинаси Зимода экан. Сувда у погонимни кўрган экан, бундай кезларда бунинг ҳожати ҳам йўқ. Маълумки, десант мотоботлари сувга ўқ ботмайди ва сув юзасида қалқиб турадиларки, ботдан тутқичдан ушлаб мен юқорига тирмаша оошладим, кимнингдир кучли қўлларн мени кўтариб олди.

Фақат шундагина мен безгак тутгандай қалтирай бошладим: апрель ойи ҳатто Қора денгизда ҳам чўмилиш учун бемавруд палла ҳисобланади. Сейнер энди йўқ эди. Жангчилар кийимларини сиқишар ва «Жин ургур фрицлар, лаънатилар!» деб эшитилар-эшитилмас сўкинишарди. Аста-секин одамлар яшчиклар ва той боғламлари орасида жойлашио тинчио қолишди. Улар оўқчайишио ёки мукка тушиб ўтирардилар, гўё шундай ўтирсалар хавф-хатардан эсон-омон қолишадигандай. Энг қийини ҳали олдинда эди. У ҳам бўлса жанг эди, биз унга хозирнинг ўзидаёқ киришишимиз керак эди.

Шу пайт бирдан, мана шу фожиали шароитда, портлашлар ва ўқ шуъалари орасида қушиқ туғилди. Уни, эсимда бор, баҳайбат қоматли матрослардан бири айтарди: у Кичик ерда туғилган қушиқ эди, бу қўшиқда оотда турган мана шу жангчилар сингари оўқилмас иродали ва қудратли кишилар тўғрисида куйланарди. Мен шу қўшиқни билардим, лекин ҳозир менга шундан туюладики, гўё уни ўша пайтда илк марта эшитгандай эдим. Хотирамда шу сатрлар ёд бўлиб қолган: «Дарахт пўстлоғидай кемамиз, унда сузар метин одамлар».

Бошлар аста-секин кўтарила бошланди, ётганлар турио ўтирди, ўтирганлар эса оёққа турди, мана, кимдир қўшиққа жўр бўла бошлади ҳам. Мен бу лаҳзани асло унутмайман: қўшиқ одамларга қанот оғишлади. Яқиндагина бошимизда қандай балолар кечган бўлса ҳам, ҳамма ўзини тетик сеза бошлади, жанговар ҳолатига қайта бошлади.

Кўп ўтмай ботнинг тагидан шилдир-шилдир қилиб сув кира бошлади ва биз қирғоққа ўзимизни отдик. Қатъий команда овозлари янгради, жангчилар ўқ-дорилар солинган яшчикларни туширардилар, бошқалари эса уларни елкасига олиб чопиб кетишарди — пайсалга солиб турадиган пайт эмас эди. Ўқлар шоширио турарди — юкларни пана жойга олиб утишди. Юкни елкасидан ташлашиб яна орқага югурардилар. Бунинг ҳаммасини отишмалар, узлуксиз оомбардимонларнинг гумбурлаш садолари остида бажаришарди. Соҳилдан эса эвакуацияга хозирланган ярадорларни замбиларда ташишарди. Бизлар уларнинг ўринларини эгаллашимиз керак эди.

Денгизнинг нишаб соҳили тош-шағал билан қопланган ундан нарида баграда хандақлар қазилган тик жарликлар қомат кериб турарди. Ўқларга рўбарў келмаслик учун ўша ерга ўтиб олишимиз керак эди, ундан кейин эса жарликдан 10—15 метр юқорига чиқиб, Кичик ернинг қоқ ўртасига олиб борадиган хандақларга сакрайиб ва, гарчи, такроран айтаманки, энг муҳим нарсалар бизни олдинда кутиб турган бўлса-да, одамлар ҳозирнинг ўзидаёқ анча хотиржамлик топган эди. Алоқа йўллари бўйлаб плацдармларда жанг қилаётган ҳар қандай қисмга, қаттоки исталган бўлимга етиб бориш мумкин эди.

Кечувлар ҳамиша хатарли эди, таваккал қилмасанг сузиб бориш ҳам мумкин эмасди. Юкни бўшатиш ҳам, чопиб ўтиш ҳам, жарликка ўрмалаб кўтарилиш ҳам мутлақо хавфли эди. Бироқ хар гал, Кичик ерга қадам қўярканман, битта фикр хаёлимга қайта-қайта келади: ҳозирги ҳимоя учун қилинган пана жойларда немис пулемётлари турганда, алоқа йўллари бўйлаб эса автомат ва граналаталр билан қуролланган ритлерчилар десантчиларга куринмасдан изиишганда бизнинг одамларимиз бу ерга қандай қилиб қадам босишга муваффақ бўлган эканлар? Ўша биринчи, биздан кўра кўпроқ қийналганларни эслаганда ҳар оир кишининг танасига куч-қувват қўшиларди.

Нима бўлганда ҳам, маълумки, биз Кичик ерни Совет Қўмондонлиги режасига кўра қанча кун талаб қилинса, шунча — 255 кун ўз қўлимизда ушлаб турдик. Бу кунларни биз қандай кечирдик — менинг ҳикоям ҳам шу тўғрида бўлади.

## 2

Бизга урушнинг ҳожати йўқ эди. Лекин у бошланио кетгандан кейин улуғ совет халқи боскқичилар билан ҳаёт-мамот олишувига мардонавор киришди.

Эсимда бор. 1940 йили Днепропетровск область партия комитети лекторлар кенгашини чақирган эди. Ушанда мен ҳарбий ватанпарварлик пропагандасига алоҳида эътибор берардим, биз худди шу ҳақда гап юритган эдик. Маълумки, ҳужум қилмаслик хусусида Германия билан шартнома тузилган. Молотовнинг Гитлер билан, Риббентроннинг Сталин оилан учрашувларига доир суратлар газеталарда эълон қилинган, шартнома биз нафасни зарур даражада ростлаб олишимизни таъминлаши, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун вақт ажратиб бериши керак эди. Лекин оуни ҳамма ҳам тушунмас эди. Худди шу тобда кўриб турганимдек, кенгаш қатнашчиларидан оири, Сахио фамилияли яхшигина лектор ўрнидан туриб сўради:

— Ўртоқ Брежнев, биз ҳужум қилмасликни, бунинг жилдий эканлигини тушунтириб оеришимиз лозим, ким бунга ишонмаса, у иғво тарқатган бўлади. Лекин қалқ ишонавермайди-ку. Нима қилишимиз керак? Тушунтирайликми ёки тушунтирмай қўя қолайликми?

Вақт роят мураккаб эди. Залда тўрт юз нафар киши ултирар, ҳаммалари менинг жавобимга илҳақ танага яхшироқ ўйлаб кўриш учун имкон йўқ эди.

— Албатта тушунтириб бериш керак, — дедим мен. Токи, ўртоқлар, фашистлар Германияси қунпая-кун бўлмагунча тушунтираверишимиз даркор!

Ўша пайтлар мен Днепропетровск область партия комитетининг мудофаа саноати бўйича секретари эдим. Башарти, кимдир бепарволик қилган тақдирда ҳам мен нима қилишимиз лозимлиги ҳақида кун сайин ўйлашим керак эди. Менинг зиммамга ўша вақтларда Украинанинг жануби, қисман Днепр бўйи сингари қудратли мудофаа комплексини ташкил этиш ва координациялашга доир талай муҳим ва шошилинч ишларни ҳал этиш вазифаси тушди.

Мутлақо тинч мақсадлардаги маҳсулот тайёрлайдиган заводлар ҳарбий изга кўчаётган, металлургларимиз пўлатнинг махсус маркаларини ўзлаштираётган, менга халқ комиссарликлари билан боғланишга, Москвага самолётда қатнаб туришга, область бўйлаб мутасил кезиб юришга тўғри келаётган эди. Биз дам олиш кунлари нималигини билмасдик, мен оилада ора-чора бўлардим. Эсимда бор, 1941 йилнинг 22 июнь кечаси ҳам обкомда алламаҳалгача ўтириб қолдим. Шундан кейин эса ўзимиз Днепропетровск остонасида қураётган ҳарбий аэродромга жўнаб кетдим. Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ана шу объект Марказий Комитетнинг назоратида эди, кечаю кундуз иш тинмасди. Қурилиш майдончасидан мен тонгга яқин қайтдим.

Уйга яқин келганимда остонада ўша вақтда обкомнинг биринчи секретари вазифасини бажараётган К. С. Грушевойнинг машинаси турганлигини кўрдим. Бир ғап борлигини дарров пайқадим. Уйнинг ойналарида чироқ ёниб турар ва бу ҳол тонг отиб келаётган бир вақтда ғайри табиий кўринарди. У дерасадан қарди, менинг кўтарилишимга ишора қилди ва мен зинадан кўтарила турио, қандайдир нохуш воқеа рўй бергаиини сездим ва «Уруш!» деган сўзни эшитиб, ҳарқалай тирраб кетдим. Худди ўша дақиқадаёқ коммунист сифатида қаерда бўлишим кераклигига қатъий ва ўзил-кесил қарор қилдим. Мени фронтга юборишларини сўраб Марказий Комитетга мурожаат қилдим — менинг илтимосим ўша куниёқ қондирилди. — Мени Жанубий фронт штаби ихтиёрига юборишди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаракатдаги армияда бўлиш иштиёқимни маъқуллагани учун мен партиямизнинг Марказий Комитетидан миннатдорман Шу боисдан ҳам миннатдорманки, 1943 йили, территориямизнинг бир қисми озод этилганда менинг илтимосимни — мамлакат ичкарисидаги раҳбарлик ишига юборилаётган партия ходимлари — фронтовиклар каторида менн чақириб олмасликларини сўраганим ерда қолдирилмади. Шу боислан ҳам миннатдорманки, 1944 йили мени бевосита жанговар ҳаракатлардан узоқлаштирадиган яна ҳам каттароқ мансабга тайинламасдан ўзимни уруш охиригача 18-десант армиясила қолдиришларини сўраганим ҳам ижобатга олинди. Менда ягона бир тилёғ — ернимизни ҳимоя қилиш, душманни дуч келган ерда қақшатиш, ғалабанинг охиригача, тўла ғалабага қадар бориш тилёғи ҳоким эди. Худди шу йўсиндагина ернинг ҳосилиштаглигини қайтиб бериш мумкин эди.

Менинг фронт хаётим 18-армия билан боғлиқ. У менга бир умр қадрлон бўлиб қолди. 18-армия сафларида мен Ватанимиз тақдири ҳал этилаётган Кавказ тоғларида жанг қилдим, Украина далаларида урушдим. Карпат довонларидан ошдим. Польша, Румыния, Венгрия, Чехословакиянн озод этишда қатнашдим. Шу армия билан Кичик ерда ҳам бўлдим. Кичик ернинг эса Новороссийски ва бутун Тамань ярим оролини озод этишдаги роли каттадир.

Одам шундай вазиятларга дуч келадики, ўшанда у баъзи вақтларда бир йил ичидаёқ бутун бир умр ўз ичига ололмайдиган нарсаларни кўради, билади, ҳис этади. Ана шу плацдармдаги воқеалар тафти шу қадар кучли, жанглар эса шу қадар қақшатқич ва тинимсиз эдики, улар 255 кун эмас, абадул-абад бораётганга ўхшарди. Биз ҳаммамиз буни бошдан кечирдик.

Жўғрофий маънода Кичик ер деган нарса йўқ. Кейин бўладиган гапни англаш учун сувга тақаб қўйилган қуруқликнинг ана шу тошлоқ парчасини равшан тасаввур этмоқ керак. Унинг фронт бўйлаб узунлиги — олти километр, ичкариси — бор-йўғи тўрт ярим километр бўлган ушбу ерни, иманки қилиб бўлса ҳам, қўлдан бермаслигимиз лозим эди.

Плацдарм қай йўсин пайдо бўлди? Новороссийск Цемес қўлтиғи қирғоғида ўрнашган. Бу қўлтиқ тоғ ичкарисига кириб кетган. Ўша ерда иккита цемент заводи бор — «Пролетарий» билан «Октябрь». Бир тарафда биз турардик, бошқа тарафда эса — немислар. 1943 йилнинг бошларида сўл қирғоқ бутунича душман ихтиёрида эди. У бизнинг флотимиз ҳаракатини тепадан назорат қилиб турар, биз уни ана шу устунликдан маҳрум этишимиз лозим эди. Шундай бир фикр туғилди: келинг, десант туширио кўрамиз ва Новороссийск бўсағасини эгаллаб оламиз. Бу нарса қўлтиқни унинг сувларига душманнинг суқилиб киришидан маҳкам ҳимоя қилибгина қолмасдан, балки бизга шундан кейин олиб бориладиган ҳамма жангларни енгиллатган бўлур эди.

Гитлерчилар буни яхши билишарди. Мен рақамларни суиистеъмол қилмоқчи эмасман, лекин, ҳозир битта рақамни келтириб ўтаман. Биз плацдармни эгаллагач, фашистлар уни тинимсиз ўққа тутдилар, бир дунё снаряд ва бомбалар ёғдирдилар. Бу ерда автомат-пулемёт ўти ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўларди. Ҳисоблаб кўрилса, ана шу қирғин металл Кичик ернинг ҳар бир ҳимоячисига 1250 килограммдан тўғри келар экан.

Плацдармда 18-десант армиясининг деярли учдан икки қисми жанг олиб борди ва ўз вақтимнинг анчасини Кичик ерда ўтказдим. Демакки, ўша ер тишлатадиган металл килограммларнинг унча-мунчаси меннинг чекимга ҳам аталган эди.

Ўйлашимча, Кичик ерга туширилган десант ва унда олиб борилган жанглар ҳарбий санъат намунаси бўла оладиг.биз одамларни синчиклаб танлар. махсус тайёрлар эдик. Геленжикдаги Тонкий бурнида штурмчи группаларни машқ қилдирар, уларни пулемётлар билан сувга секрашга, қояларга чиқишга, нобоп жойдан ҳам граната иргитишга ўргатардик. Жангчилар ўлжа ярог-аслаҳаларнинг ҳамма турларини ўрганиб олишди, пичоқ отишни ва қўндок билан туширишни, ярани боғлашни ва конни тўхтатишни билиб олишди. Шартли сигналларни эслаб қолишди, кўзи боғлангаҳ холда ҳам автомат дискларини ўқлашда ўн товушига қараб, қаёқдан ўт очилаётганини билиб олишда эпчил бўлиб қолишди. Ана шу машқларсиз жасурона десант ва хусусан энг биринчи тунги олишувни тасаввур қилиб бўлмас эди — ҳаммасини тим қоронғида, пайпаслаб қилишга тўғри келарди.

Махсус топшириқли отряд деб аталган биринчи группага фақат кўнгиллиларни олдик. Кимки қаҳрамонлик кўрсатган бўлса, ўшагина олинди. Десантга майор Ц. Л. Куниковни командир қилиб тайинладик. Мен ана шу фаросатли ва кучли одамга олдин бўлиб ўтган жанглардаёқ, у денгиз пиёдаси батальонига командирлик қилган вақтдаёқ эътибор берган эдим. Снёсий қисм бўйича ўринбосари бўлиб старший лейтенант Н. В. Старшинов, штаб бошлиғи бўлиб эса майор Ф. Е. Котанов бораётган улар ҳам жанговар ишларда ўзларини яхшигина кўрсатишган эди. Кейинчалик уларнинг учови ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди. Куников ўлгандан кейин (у десант туширилганининг учинчи куни ҳалок бўлди), Старшинов билан Котанов эса Кичик ердан кейин бўлган жангларда қаҳрамонликка муяссар бўлдилар.

Отряд тузишда биз уларга Новороссийск ҳарбий-денгиз базасининг исталган қисмидан одамлар танлаб олиш ҳуқуқини бердик. Тўғри, истисно тариқасида эди, лекин буни зарурат тақозо этарди. Биз бунақанги десантда ҳар бир жангчининг ҳам роли ниҳоятда улкан эканлигини тушунардик. Шу тарзда биз 250 кишилиқ отрядга бирлашган бешта штурмчи группа туздик. Бениҳоя оғир синовда улар олдинда боришлари даркор эди. Улар ўз бурчларини ўтадилар.

1974 йили Новороссийск музейида мен мўътабар бир ҳужжатга эътибор бердим. Бу ўша кечаси Куников сингари плацдармга десант бўлиб тушган старший лейтенант В. А. Ботилевнинг рапорти эди. У ёзибди: «Маълум киламанки биринчи штурмчи группада ўлган — 1 киши, яралор бўлган — 7 киши. Улардан: ўлган ВКП(б) кандидатлари — 1 киши, яраланган ВКП(б) кандидатлари — 4 киши, яраланган комсомоллар — 2 киши, яраланган партиясизлар — 1 киши. Қўмондонлик топшириқ биринчи жанговар вазифа ado этилди. Группанинг снёсий-маъновий қолати юксак».

Бу ерда шу нарсани эслаб ўтиш жоизки, Улуғ Ватан уруши фронтларида уч миллион коммунист мардларча жон берди. Уруш йилларида эса, беш миллион совет ватанпарвари партия сафларини тўлдирди. «Жангга коммунист бўлиб киришни истайман!» — афсонавор бўлиб қолган ана шу сўзларни мен деярли ҳар бир жанг сурони олдида жанглар қанчалик оғирлашиб борса ўшанчалик тез-тез эшитганман. Ҳаёт-мамот олишуви бўсағасида одам қанақа имтиёз олиши мумкин. партия унга қанақа ҳуқуқ бера олар эди? Фақат биргина устуглик фақат биргина ҳуқуқ, фақат биргина мажбурият — атакага биринчи бўлиб кўтарилиш ёт қаршисига биринчи бўлиб пешвоз чиқиш имкони берилади, холос.

Десант туширилишидан олдин отряд қасамёд қилди. Коммунист Куников ҳаммани мўъжазгина майдончага тўплади, операциянинг ўлим хавфи билан боғлиқлигини яна бир эслатди ва оғоҳлантирди: кимки синовга бардош бермайдиган бўлса, десантга кирмаслиги мумкин. У ана шу кишиларга, айтайлик, уч қадам олдинга чиқиш тўғрисида команда бермади. Уларнинг нафсониятларига тегиб ўтирмасдан, шундай деди:

— Роса ўн минутдан кейин яна саф тортишларингизни сўрайман, Кимки ўзига ишонмаса, сафда турмасин, улар таълим курсини ўтганлар сифатида ўз қисмларига қайтарилади.

Отряд сафланганда биз ҳисобда атиги икки киши йўқлигини аникладик.

Денгизга чиқишдан олдин қабул қилинган тантанали қасамни ҳозир ҳам, орадан ўнларча йил ўтган бўлса-да, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. «Жангга кира туриб, — дейилган унда, — биз Ватанга қасамёд қиламизки, душман устидан ғалаба қозониш ҳаққи-ҳурмати жонтанимизни аямасдан, кескин ва жасур ҳаракат қиламиз. Ўз иродамизни, ўз кучимизни ва ўз қонимизни томчи-томчисигача биз халқимизнинг саодати учун, қизғин севган Ватан, сен учун бахш этамиз... Фақат олға юриш биз учун қонундир ва шундай бўлиб қолади».

Ўша долгали қўларга ҳаёлан қайтиб, шиддатли қасамни хотирга келтириб, мен мудом руҳий қаяҳон ва ғурур билан тўлиб-тошаман. Тарих якка-ёлғизларнинг қаҳрамонона жасоратларини оз билади дейсизми, лекин фақат бизнинг улуғ мамлакатимиздагина, фақат бизнинг улуғ партиямиз яловбардорлик қилган совет кишиларигина оммавий қаҳрамонликка қодир эканликларини тасдиқладилар.

## 3

Шундай қилиб, десант туширио кечаси бошланди. Пристанда ҳукм сўрган кайфиятни яхши эслайман. Мен одамлардан бирортасининг ҳам чеҳрасида гамгинлик кўрмадим, жангчиларнинг чеҳралари қувноқ, уларда бетоқатлик кўринарди. Денгизчилар елиб-югуриб яшчикларни ташир экан: «Полундра!» деб қичқиришарди. Уларнинг биридан бундай деб сўраганим эсимда:

— «Полундра» нима дегани?

Маълум бўлишича, бу сўз «Огоҳ бўл!» деган маъноии англатаркан. Бу сўзнинг маъносини ўшанда билиб олганман.

1943 йилнинг 3 февралига 4 февралига ўтар кечаси жуда қоронғи эди. Геленжик ва Цемес қўлтиқларидан десантчилар тушган катерлар оҳиста чиқишди. У катерлар айланадиган пунктдан улар ракета сигналлари билан соҳилга қараб боришарди. Айни шу пайтда илгари ўққа тутилган соҳил бўйлаб бизнинг артиллериямиз ўт очди. Снарядлар дахшат билан патир-путур портлашига «Катюша»ларнинг оловли залпларн қўшилиб кетди. (Уруш тажрибасида биринчи марта «Скумбрия» тралшчигига реактив мослама ўрнатилган эди). Иккита торпеда катери катта тезликда юриб, десант кемалари йўлини кесиб ўтди ва уларни қирғоқдан отилиб турган снарядлардан яшириш мақсадида қуюқ тутун чиқарди. Кўриқловчи катер балиқ заводи районини ўққа тутиб, душманнинг ўт очиш нуқталарини емира бошлади. Бу нуқталар артиллерия ҳужумидан сўнг қолган-қутгани эди. Куниковчилар соҳилга ташланган пайтда бизнинг батареяларимиз отишмани ичкарига қаратишди.

Урушда ҳамма нарса ҳам режали бораверма йди. Жанглар қўпинча штаб хариталарида белгиланган каби тус олмайди, баъзан эса унинг бутунлай тескариси бўлади. Ўшанда ҳар бир командир ва сиёсий ходимнинг, ҳар бир солдат ва матроснинг жасорати, садоқати, ташаббуси чинакамига бебаҳо аҳамият касб этади. Ҳарбий тарихчилар шуни биладиларки, бошқа бир жойда ҳам — бу ердан 30 километр нарида Жанубий Озерейка районида плацдармни қўлга олиш учун уриниб кўрилди. Аслида асосий десантни ўша ерга туширишмўлжалланган эди, лекин шторм тўлқинлари халақит берди, кемалар ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Кейинроқ пиёда қисмлар ҳам бошлайғич маррага етиб келишди. Куниковчилар эса, душман кутмаганида ёриб кирдилар ва улар тула муваффақият қозондилар. Биз бундан шу ондаёқ фойдаландик.

Чалғитувчи десант кўмакчи десантга айлантирилди, кейин эса асосий десант бўлиб қолди. Кичик ер эпопеяси ҳам ана шундан бошланди. Бизнинг штурмчи отрядимиз кучли отишмалар бўлиб туришига қарамай, шу ердан ёриб ўтиб, ҳали унча катта бўлмаган, лекин жуда муҳим соҳил участкаси — Новороссийск атрофидаги район — Станичкани эгаллашга улгурди. Мингга якин фашист ер билан яксон қилинди. Тўртта тўп ўлжа қилиб олинди. Бу тўплардан зудлик билан душманга қарши ўт очилди. Орадан бир ярим соат ўтгач, бу ерга десантчиларнинг иккинчи группаси туширилди, шундан сўнг тағин бир группа десантчилар туширилди. Уларнинг сони 800 кишига етди.

Бизнинг десантларимиз туширилган ерга душман янги қисмларини ташлади, фашист авиацияси бомбардимон қилди, унинг оғир артиллерияси плацдармга қарата ўт оча бошлади, душман жон-жаҳди билан бирин-кетин қарши ҳужум қилди. Лекин улар кечиккан эди: десантчиларимиз плацдармда мустаҳкам ўрнашиб олишга улгурган эди. Улар Станичканинг бир қанча кварталларини эгаллаблар ва уч километр массофадаги темир йўлни ҳам қўлга киритдилар. Гарчи кўплаб талофот берган бўлсалар ҳам, улар бир қадам ҳам орқага чекинишмади. Солдат ва матрослар ҳарбий қасамёдга содиқ эдилар, улар асосий кучлар етиб келгунча бу ерни ушлаб туриш зарурлигини билишарди. Улар десантнинг муваффақиятли туширилганидан бағоят хурсанд ва тетик эдилар. Мен бу кишиларни ана шундай эслаб қолдим.

Бир неча тун давомида плацдармга иккита денгиз пиёдаси бригадаси, ўқчи бригада, танкка қарши қирувчи полк ва оошқа қисмлар туширилди. Соҳилга неча юз тонналаб ўқ-дори ва озиқ-овқат ташиб келтиридик. Беш кундан сўнг Станичка ва Мисхако районларида уч-тўрт минг жангчи бор эди. Улар автоматлар, миномётлар, тўплар, танкка қарши отадиган замбараклар билан қуролланганди. Шундан кейин Кичик ерга бешта парт

# КИЧИК ЕР

(Бошы иккинчи бетда).

Иш пайтида сапёрларимизга оғзан душман билан юзма-юз олишишга тўғри келди.

Мустаҳкамланган плацдарм ўзига хос шаҳар — қалъа бўлиб қолди. Ҳатто Госпитальная, Саперная, Пехотная, Матросская сингари кўчалар пайдо бўлди. Бу кўчаларда бирорта ҳам ун йўқ эди, оу номларни ким ўйлаб чиқарганлиги номаълум, лекин бу номлар тасодифий номлар эмас эди. Масалан Сапёрная — бу душман ўқларидан ҳимоя қилинган чуқурлик, Госпитальная эса баланд-паст жой бўлиб, у ҳар томондан ўққа тутиб туриларди. Бу ерда жангчилар тез-тез госпиталга тушиб турарди. Истеҳкомлар душман ўқи остида қурилди, механизмлар ҳам, қурилиш материаллари ҳам йўқ эди бироқ бизнинг моҳир жангчиларимиз ерга чинакамига жон киритишди, бу ердан кетмаслик учун шу ернинг эгаларидек истеҳкомларни мустаҳкамлашди. Бу қалъани қурган ҳар бир кишини қаҳрамон деб аташ мумкин.

Ёш бўлмаган сапёрларни мен алоҳида саммиият билан эслайман. Уларни душман кўзи олдидаги миналаштирилган тўсиқлар қуришга юборишмади, «қариялар» назаримда энг тинч иш билан шуғулланишди: Геленжикдан бир неча километр нарида, Ланхот яқинида улар ўрмон кесишди, ёғочларни боғлаб, кечалари Кичик ерга жўнатиб туришди. Аммо қандай жўнатиб туришди! Юқорида айтилганидек, Цемес кўлтиғида қоронғи кечаларни биз ҳеч қачон қурмаган эдик. Сувга оқизилган соҳчисиз солларни артиллерия ўққа тута бошлади. Сапёрлар бу отишмаларга қарши ўт оча олишмасди ва бесўнақай юкларини панага олиша олмас эди. Улар муздек сувга сирганиб тушиб, ёғочларни ушлаб, йўлларида давом этишарди. Башарти солга снаряд келиб тушгудек бўлса, сапёрлар уларни бошқа томонга тортиб, қимматбаҳо ёғочни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилишарди. Агар буксир чўкиб кетгудек бўлса, ракеталар орқали шартли сигналлар бериб, мотоботлардан биронтаси келишини кутишарди. Мана шундай кишилар эди бу «қариялар».

Ўқувчида плацдармдаги мингларча кишилар фақат ҳужумлар, бомбардимонлар, юзма-юз олишувлар билан яшаганлар деган таассурот туғилиши мумкин. Йўқ, узоқ вақт давомида бу ерда ҳаёт қарор топди, унда одатда инсон яшайдиган ҳамма нарсага ўрин бор эди. Жангчилар газеталар ўқир ва чиқарар, партия йиғилишлари ўтказар, байрам қилишар, лекциялар тинглашарди. Ҳатто шахмат турнири ҳам ўтказишди. Армия ва флот ашула ва рақс ансамблари концертлар бериб турди. Б. Пророков В. Цигаль, П. Кирпичев каби рассомлар мудофаа қаҳрамонларининг катта галереясини яратишди.

Марказий Комитет бригадаси бизга келгани эсимда. Бригададагилар бизнинг шароитимизда биринчи бор бўлишди, мендан Кичик ер жангчилари билан таништириб қўйишни илтимос қилишди. Биз ўшанда торпеда катерига чиқдик. Ўрнимиздан қўзғалишимиз биланоқ бизникилар ракета отишди. Бу ўзимизникими ёки бошқаларникими деган сигнал эди. Немислар эса биз белгиланган жойга яқинлашишимиз биланоқ тўхтовсиз ўққа тутишди. Уларнинг тўплари осма тўплар эди. Шу сабабли биз соҳил бўйлаб четлаб ўтишимиз муҳим эди. Яна снарядлар портлай бошлади. Улар бизнинг ёнгинамизга тушиб портларди. Сени ишонга олаётганини билмасанг, қандай ажойиб манзара-я дейсан. Плацдармда Царь-колоколга ўхшаш олисга отувчи денгиз батареяси турарди. Кичик ерликлар уни команда пунктига айлантиришган эди. Бизга ўк ёмғирлари остида ўша ерга яқинлашишга тўғри келди. Мен аввалдан ўрганиб қолгандим, меҳмонларда эса, кучли таассурот пайдо бўлган эди, деб ўйлайман. Қоронғилик қаъридан шўғиб чиққан ва алланима кўтариб келаётган денгизчи йигитча эсимда сақланиб қолган.

— Кўмаклашиб юбор, оғайни, — илтимос қилди у. — Ҳамма учун олиб кетяпман.

Эндиликда, орадан асрнинг учдан бир қисми ўтганидан сўнг армиямиз жангчилари, командирлари, снёсий ходимлари зиммасига қандай машаққат тушганини эслаганингда, буларнинг ҳаммаси чиндан ҳам бўлиб ўтганига, буларнинг ҳаммасига бардош бериш мумкинлигига ҳатто баъзан ишонгинг ҳам келмайди. Лекин биз қатъий турдик, бардош бердик. Ҳамма бардош берди, ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтиб, ғалаба қозондик. Фашистларни тор-мор келтирдик.

Ўша куни бизга Москвадан келган янги кишиларни Кичик ерга олиб кела туриб, менинг ўзим ҳам одатдаги ва таниш нарсаларга гўё бошқа кўз билан қарагандек бўлдим. Буларнинг ҳаммасини илгари ҳам кўрган эдим, бу ерда эса доимий ўлим хавфини ҳам, чидаб бўлмайдиган қийинчиликларни ҳам, жангчиларимизнинг чексиз қаҳрамонлигини ҳам кўрдим.

Баъзан жуда оғир бўларди албатта. Биз Катта ердан ажратиб ташланган эдик. Бизда туз етишмасди. Нон ҳам бўлмай қоларди. Бутунбутун бўлинмалар ўрмонга ёввойи саримсоқ йиғиб келгани юборилардик. Иккинчи томондан, катакомбалар зах эди, тунлари жангчилар совқотиб чиқишарди, сиёсий бўлим ходимларига ерости қалъасини ёритиш тўғрисида ғамхўрлик қилишга, чўян печкалар буюришга, ўтин йиғишга тўғри келди. Шунга қарамай, Кичик ер совет ери бўлиб қолди, одамлар эса, одамлигича қоларди. Улар планлар тузишди, ҳазил-мутойибалар қилишди, кулишди, ҳатто туғилган кунларини ҳам нишонлашди. Масалан, 15 февралда яъни биринчи десант туширилганидан кейин ўн биринчи кунда десантчилардан бири Шалва Татаришвили 23 ёшга кирди. Унинг ажралмас дўсти Петр Верешчагин ўз дискасидан унга йигирма уч дона ўқ берди. Бу энг қимматли совға эди, негаки, ўқлар етишмасди, бунинг устига душманнинг навбатдаги ҳужуми кутиларди.

Бу ҳаётда биринчи қарашда ўлим билан уруш бир-бири билан сиғишмас эди. Бир куни 255-денгиз пиёдалари бригадасининг сиёсий бўлим бошлиғи И. Дорофеев бригадада шаҳар, район ва қишлоқ Советлари депутатларидан ўн беш киши бор деб ҳисоблаб чиқди. Сессия чақиришга қарор қилинди. Улар қайси муаммоларни ҳал қилишлари мумкин эди? Тинчлик кунларида ҳам бўлганидек, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни: аҳолининг эҳтиёжлари, маиший хизмат масалаларини муҳокама қилиш мумкин эди. Биринчи бўлиб ҳаммом қурилиши тўғрисидаги масала ҳал қилинди. Ҳаммом қурилди ҳам! Дарҳақиқат, ишлаш ташқари вақтда жуда соз ҳаммом қурилди. Мени ҳам бир куни ҳаммомга олиб боришди. Бўғхона унча катта бўлмаса-да, бўғни яхши сақлаб турарди

Кичик ерда тоқчирлик, қизиқчилик, аскиябозлик жуда юксак баҳоланарди. Бундай кобилиятга эга бўлган кишилар оз эмасди. Геленжикка қайси бир иш билан юборилган бир абжир йигит тоғда дайдиб юрган эгасиз сигирни кўриб қолгани эсимда. Бинобарин, уни Кичик ерга олиб келишга қарор қилди. Сигирни пристанга ҳайдаб келиб, бот командиридан уни бортга олишни илтимос қилди. Чор атрофдагилар кулишади-ю, лекин бу ғояни қўллаб-қувватлашарди: ярадорларга сут беради. Шундай қилиб, сигирни белгиланган жойга беозор етказишди. Ишончли жойга қўйишди, соғилган сутни собик виночилик совхозининг подвалида жойлашган госпиталга топшириб туришди.

Лекин, гап сутда эмас, сигир одамларга, айниқса урушга қишлоқдан келганларга катта қувонч бахш этган эди. Ҳар бир артиллерия отишмасидан кейин ёки бомбардимондан сўнг жангчилар тарғил ёнига югуриб келиб, унинг тириклигини билишар, бирор жойи ярадор бўлмадимикин деб кузатишар, уни эркалаб силаб-сийпашарди. Буларнинг ҳаммасини баён этиш осон эмас, жуда катта машаққат шароитида тинчлик мавжудотининг бу ерда пайдо бўлиши одамларда қўпол мувозанатини қўллаб-қувватлаб туришга ёрдам берди. У инсонга барча қувончлар қайтиб келишини, ҳаёт давом этаётганлигини, фақат шу ҳаётни сақлаб қола билиш кераклигини эслатарди.

1943 йил биринчи майи шарафига Кичик ерликларга яхши совға тақдим этилди. Тонг отгач, одамлар ҳайрон қолиб, қувонч билан жилмайишди. Кечаси бригада ўрнашган турли жойларга жангчилар қизил байроқлар кўтариб қўйишибди. Эрталаб уларни ҳамма кўрди, шу жумладан немислар ҳам кўрди, албатта.

Оқ-қора тасвирдаги фильмлар чиқарилган даврда намойиш қилинган «Потёмкин» броненосеци» кинофильмида экранда қизил байроқ пайдо бўлиши нақадар ҳаяжонли таассурот қолдирганлигини эслайман. Бу ерда бомбалар ва снарядлар илма-тешик қилиб ташлаган, осколкалар ёғилган, дудланган ва қонга белашган, душман қуршовида бўлган Кичик ерда Қизил байроқларнинг қадалиши немисларни саросимага солиб қўйди. Илма-тешик бўлиб кетган ана шу ер осмонида тантанавор садолар сурони янгради. Одамлар шахсан ҳар бир киши учун жуда қимматли нарсани ҳис этишди. Дастлабки ҳаяжон тўлқинларидан сўнг ҳаммани курсандчилик қамраб олди. Жангчилар қувончлан тўлиб-тошиб, ўз қучларига ишонч ҳосил қилиб бундай дейишди: «Шошмайтур, малъун фашист! Ма, ол-оладиганингни!».

## 4

Менга сувда чўмилиб олишга ҳам тўғри келган унутилмас кечувдан кейин апрель ойида юз берган жанглар Кичик ердаги энг даҳшатли жанг бўлди. Мен ҳозир шу ҳақда сўзлаб бераман.

Фашистлар тайёрлаган «Нептун» операцияси уларнинг режасига кўра плацдармимизни батамом йўқ қилиб юборишги керак эди. Бунинг учун 27 минг кишидан иборат Ветцель қўшинларининг махсус зарбдор группаси тузилди, бу группа 1200 самолёт, юзлаб тўп ва миномётларнинг мададида ҳаракат қилиши керак эди. Денгиз томондан анчагина ифодали ном билан «Бокс» деб аталган операция ҳам планлаштирилган эди. «Бокс» группасига торпеда катерлари ва сув ости кемаларининг флотилияси киритилганди. Уларнинг зиммасига денгиз коммуникацияларимизни қирқиб қўйиш ва совет қўшинлари денгизга улоқтириб ташлангандан кейин ана шу қўшинларни тор-мор келтириш вазифаси юкланган эди. Уларга буларнинг ҳаммаси шундай туюларди.

17 апрель куни Кичик ерда бошланган жанглар тобора авж олаверди. Душман ҳар куни янги кучларни ишга соларди. Эрта саҳарданоқ оғир батареялардан ўт оча бошлади. Айни пайтда осмонда самолётлар пайдо бўларди. Бу самолётлар шундоққина бошимизда осилиб тургандек эди. Бирин-кетин 40—60 самолёт учиб, бутун мудофаа ичкарисига ва фронт бўйлаб бомба ташларди. Тез учар бомбардимончи самолётлар кетидан шўнғувчи самолётлар бирин-кетин, ундан кейин штурмчи самолётлар учарди. Буларнинг ҳаммаси бир неча соатга чўзилиб кетар, ўшандан кейин танклар ва пиёдаларнинг ҳужуми бошланарди.

Фашистлар тутун билан қопланган Кичик ерда тирик жондан асар қолиши мумкин эмас, деб ҳисоблаб, ишонч билан ҳужум қиларди-лар. Лекин уларнинг ҳужуми шиддатли қаршиликка дуч келиб, душман неча юзлаб мурдасини қолдириб, орқага чекинарди. Бу ҳол яна қайта бошланарди. Яна оғир батареялардан ўт очилар, яна шўнғувчи самолётлар чиқириб қолар, штурм қилувчилар қутурарди. Бу ҳол кунига бир неча бор такрорланарди.

Қирувчи самолётлар бомбардимончи ва штурм қилувчи авиацияни паналаб турарди. Қирувчиларимиз, гарчи душманга талофот етказишса ҳам немисларнинг кўчи устунлигидан бомбардимончиларнинг зарбаларини тўхтата олмадилар. Совет бомбардимончилари душман позицияларя устида пайдо бўлолмасдиларки, бу душманга ўз кучларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва ҳужумга тайёргарлик кўриш учун имконият яратиб берарди. 20 апрелга қадар уч кун мобайнида шундай аҳвол давом этди. Бу немис-фашист қўмондонлиги Кичик ерни батамом тор-мор келтиришни мўлжаллаган муддат эди.

Гитлер бизни денгизга улоқтириб ташлашга қарор қилиб, фронтнинг ана шу участкасида қўлида бор ҳамма кучни жангга ташлади. Мушкул аҳвол рўй берди. 18-армиянинг Ҳарбий кенгаши, аслини олганда мен Кичик ерлик жангчиларга қарата мурожаатнома ёзиб чиқдим. Бу мурожаатнома окопларда ва блиндажларда қўлма-қўл бўлиб кетди. Одамлар қўлларини бармоқларидан қон чиқариб мурожаатномага имзо чекардилар. Мен жангчилар нақадар мардона жанг қилаётганликларини тушунсин, деб И. В. Сталинга кейинроқ ана шу мурожаатномадан бир нусха юбордим.

«Новороссийск шаҳри остонасида душман қўлидан тортиб олинган бир парча ерки,— дейилган эди мактубда, — биз «Кичик ер» деб атадик. Гарчи, оу ер бир парча бўлса ҳам, бизники, совет ери, оу ер теримиз, қонимиз билан суғорилган. Биз бу ерни ҳеч қачон ҳеч қандай душманга бермаймиз... Жанговар байроқларимизни ўртага қўйиб, рафиқларимиз ва фарзандларимизнинг номи билан, севикли Ватанимизнинг номи билан онт ичиб айтамизки, душманга қарши жангларда чекинмай қаттиқ турамиз. унинг кучларини ер билан яксон қилиб ташлаймиз ва Таманни фашист аблаҳларидан тозалаймиз. Кичик ерни гитлерчилар учун катта қабрга айлантирамиз!»

Биз фашистлар ҳужум бошлаган биринчи куни Олий Бош Қўмондонлик Ставкасидан плацдармни қандай қилиб бўлса ҳам қўлда сақлаб туриш тўғрисида қатъий йўл-йўриқ олдик. Ставка плацдарм Тамань ярим оролини озод этишнинг калити эканлигини кўриб, унга катта аҳамият берган эди ва жангларнинг қандай бораётганлигини диққат-эътибор билан кузатиб турарди.

Генерал-полковник И. Е. Петров қўмондон бўлган Шимолий Кавказ фронтининг штабига 18 апрель куни Ставканинг маршал Г. К. Жуков бошлиқ бир группа вакиллари учиб келди. Ҳарбий-Денгиз флоти халқ комиссари Н. Г. Кузнецов ва Ҳарбий-Ҳаво Кучлари қўмондони А. А. Новиков билан биргаликда худди ўша куни улар 18-десантчилар армияси штабига келишди. Кичик ерга келган, штабда ишлайдиган полковниклардан бири менга шулар тўғрисида хабар қилиб қўйиб қўйди:

— Маршал сизни кўрмоқчийди.

— Бу нима. буйруқми? — деб сўрадим мен.

— Мен бундай буйруқни ундан олганим йўқ, — деб жавоб қайтарди полковник. — Лекин, мен у киши билан гаплашишни хоҳлардим, деб айтди.

Очиғини айтганда, мен ҳам гаплашишни хоҳлардим: ҳавода душманнинг устунлигидан ҳаммамиз жуда безовталанардик. Бу ҳақда ўз фикримни мен қўмондонимиз Константин Николаевич Леселидзага немисларнинг ҳужумлари бошланган биринчи кундаёқ айтгандим. Авиация мадад бериб турсин деб астойдил илтимос қилдим. Ҳамиша мен иззат-ҳурмат қиладиган Ҳарбий кенгаш аъзоси Семён Ефимович Колонинга ҳам бу ҳақда гапирган эдим. Уларнинг иккови ҳам довюрак, принципал, тажрибали кишилар бўлиб, иккови ҳам гапимга қўшилишди, шунинг учун ҳам мен авиациянинг аҳволи тўғрисида улар Жуковга албатта аҳволни тушунтириб берадилар. деб ўйлаб ўтирдим. Мен эса оғир бир фурсатда плацдармдан жилмаганим яхшироқ эди. Шундай қилдим ҳам: Кичик ерда жангчилар билан бирга қолдим.

Г. К. Жуков ўз мемуарларида кейинчалик бундай деб ёзган эди: «Бизларнинг ҳаммамизни ўшанда совет жангчилари душманга қарши тенгсиз жангда ўз зиммаларига тушган синовларга бардош бера оладиларми. деган битта масала ташвишга солардики. душман кечаю-кундуз ҳаводан зарба етказарди ва плацдарм ҳимоячиларини тўпдан ўққа тутиб турарди». Маршал шундан кейин худди шу ҳақда менинг фикримча билиш истаги борлигини ёзган эди. Қўшинларимиз бундай жаҳаннамга яна бир-икки кун бардош бериб тура оларминкан, бинобарин Ставка бизга ёрдам бериш учун жиддий тадбирларни кўриб қўйган эди.

Дарҳақиқат, орадан икки кун ўтиши биланоқ манзара кескин ўзгарди. Ставканинг резервидан бирин-кетин учта авиация корпуси етиб келди. Улар етиб келишлари биланоқ жангга киришди. Даставвал қизил юлдузли қирувчи самолётлар Кичик ер осмонини қамраб олди. Душманнинг жанговар кучлари жойлашган ерларга бомба ёғила бошлади. Энди ҳаво жангида кучлар тенг эди. Кейинчалик эса устунлик биз томонга ўтди, чунки учувчилар душманнинг бир қанча аэродромларини бомбардимон қилишга муваффақ бўлгандилар.

Осмонда қандай аҳвол рўй берганлигини тушунтириб беришим қийин. Қаёққа қараманг бизнинг самолетларимиз немислар самолётлари билан яккама-якка ё гўп-тўп бўлиб аёвсиз олишаётганини кўриш мумкин эди. Зарба еган машиналарнинг қоп-қора думлари бирбири билан кесишиб ерга тушарди. Учувчиларимиз уч кунлик жанг мобайнида Кичик ер узра душманнинг 117 самолётини уриб туширишди. Ана шу жангларнинг иштирокчиси А. И. Покришкин ўзининг китобида бу даҳшатли олишувлар ҳақида муфассал баён қилиб берган.

Бизнинг плацдармда Новороссийск ва Таманнинг тақдири ҳал этиларди. Шунинг учун ҳам немис-фашист қўмондонлиги олдинги маррага тобора янги-янги кучларни ташларди. Кичик ерликлар бамисоли даҳшатли тушдаги сингари саккиз кечаю-кундуз жанг қилдилар, бу жанглар душманнинг кучлари тугамагунча, душманнинг қолган кучлари то ўз марраларига қайтмагунча давом этди. Лекин жангнинг энг қизиғи пайти 1943 йил 20 апрель куни бошланди. Шуниси қизиққки, ўша куни бир ғалати хотира эсимда қолган.

Бизда 225-денгиз пиёдалар бригадасида М. К. Видов снёсий бўлимнинг бошлиғи эди. У маҳорат, жасорат билан жанг қиларди, жангчиларга зўр таъсир ўтказа оларди. Командирнинг беҳуда таваккалчилик қиляпсан, деган таънасига жавобан: «Ахир, мен комиссарман, сувга пишилган товуқ эмасман!» дерди. Михаил Кавитонович 20 апрель куни кечаси снёсий ходимларни тўплаб, жанг якуларини чиқарди. Шундан кейин фашистлар нега бундай жон-жаҳди билан интилянти, деб сўради. Кейин ўзи жавоб бериб, немислар эртага фюрернинг туғилган кунини нишонлайди, деди. Фюрерга совға қилиш учун бизни йўқ қилиб ташламоқчи. Бу санани биз ҳам нишонласак чакки бўлмас эди.

Турли таклифлар, муҳокама қилинаркан, ўша пайтда ҳали унча машҳур бўлмаган рассом Борис Пророков шу ернинг ўзидаёқ ҳамма маъкул тушган суратни чизди. Тунда у чойшабга Кавказдан қочиб кетаётган чўчқасимон маҳлуқни чизди. Чўчқанинг ҳаммага таниш мурти ва пешонасида бир тутам сочи бор эдики, бу Гитлерга жуда мос карикатура эди. Чойшабни рамкага тортиб олиндан ўқ отиб аниқлаб қўйилган ўртадаги ерга маҳкам қилиб ўрнатиб қўйилди.

20 апрель куни эрталаб теварак атрофдаги тоғлардан, ўзлари ўрнашиб олган позициялардан гитлерчилар бу табрикни кўришди. Аввалдан тахмин қилинганидек, немислар ўз фюрерларига ўқ узишга жўраст этолмади. Орадан анчагина вақт ўтди, афтидан, улар шу вақт мобайнида нима қилиш кераклиги тўғрисида келишиб олишди, шекилли. Ниҳоят, фашистлар рамкага ўрнатилган жойга учу томондан эмаклаб кела бошладилар. Лекин жой олдиндан ўқ отиб белгилаб қўйилган эди: уларнинг ярми ер тишлаб қолди, қолганлари жуфтакни ростлашди. Уларнинг артиллерияси «Туғилган кун совғаси»га қараб то ўқ узмагунча шу куни ана шундай ҳол уч баравар такрорланди.

— Боплайвер! Уравер! — деб қаҳ-қаҳ уришарди жангчилар.

Кулги — даҳшатли куч, умидворлик далили, қишларнинг рухи тетиклигининг белгиси. Участкалардан бирида ҳужум қайтарилгандан кейин мен Дорофеев билан бирга траншея бўйлаб борардим. Биз ёнгинамизда, ўт очиш ячейкасида яна кулги овозларини эшитдик. Яқинроқ келдик. Ёшгина сержант-агитатор суҳбат ўтказаётган экан.

— Ўртоқ полковник, жанг натижаларини якунлаяпмиз, — деди у.

— Хўш, якунлари қандай?

Пулемёт атрофида тўпланган жангчилар сержантни «айт, айт» деб қистай бошладилар. У ўзини сал ноқулай сезса ҳам ўртоқларининг қистови билан гапни бошлашга аҳд қилди:

— Бизни бугун денгизга улоқтираман деб Гитлер мақтанибди. Мен украинча мутойиба билан у нимага эришганини айтдим. Овга чиқиб, айиқни ўлдирибди. тулкининг терисини шилибди. уйига қуён олиб келибди, онаси ўрдакни сўйиб атала пиширибди. Татиб кўрса, аталаси аччиқ экан.

Мен бу хушчақчақ йигитнинг сўзларини солдатлар билан ҳузур қилиб тингладим. Унинг ҳазил-мутойибаси ўша онда ҳарбий ҳаракатларни гоят жиддий таҳлил этишдан кўра яхшироқ таъсир қилганлиги кўриниб турарди. Бу яна шунинг учун муҳим эдики, такрор айтаманки, ўша куни Кичик ерда биз бошдан кечирган энг оғир кунлардан бири бўлди.

Ер ёнарди. Тошлар ёнарди, металл эрирди, бетон вайрон бўларди-ю, лекин ўз қасамёдига содиқ одамлар ана шу ердан бир қадам ҳам чекинмас эдилар. Батальонларнинг ҳужумини роталар қайтариб турарди, батальонлар полкларни ер билан яксон қилиб ташлардилар. Пулемётларнинг стволлари қизиб кетди. Ярадорлар санитарларни итариб ташлаб. қўлларидаги гранаталар билан танкларга ташланардилар, найзабозлик жангида милтиқларнинг қўндоқлари ва найзалар билан урардилар. Гўё бу жангнинг интиҳоси йўқдек туюларди. Душманнинг мурдалари билан қопланган чор-атрофда уларнинг янги-янги сафлари пайдо бўларди. Бу сафлар қирғоб ташланганч. яна кулранг-яшил шарпалар такрор-такрор пайдо бўларди. Шунинг учун ҳам 8-гвардиячи-ўқчи бригада жангчиларидан бири ҳужум чоғида: «Ахир, нима бўляпти, улар ердан ўсиб чиқяптими?» деб юборганлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлаверади.

Гитлерчилар ўша куни куч жиҳатидан анчагина устун эдилар, биз катта талофот кўрдик. Йигитларимиздан бу ерда қанчаси жон беради ва қанчаси ўз уйига қайтмайди, деган фикр хаёлимдан бир неча марта ўтди. Урушда шафқат масаласи — мураккаб масала. Уруш шафқатсиз бўлади. Шунинг учун одамларнинг ўлиши муқаррар. Бу ерда кимгадир шафқат қиласан, демак унинг ўрнига бошқа бир кишини юборасан. Бунда ўзини маънавий оқлаш битта бўлади — оғир фурсатда жангчилар билан бирга бўлиб, ўша хавфни бирга бошдан кечириш керак. Уларни ортиқча таваккалчиликдан сақлаб қолиш, уларнинг машаққатини енгиллаштириш учун қўлингдан келган ҳамма ишни қилишинг керак.

Уруш йилларида сақланиб қолган ҳужжатлар орасида бир директива борки, унда менинг имзоим турибди. Бу директива 1943 йилнинг охирида Киев остоналарида жанг бораётган кунларда барча снёсий органларга, кейинроқ эса ҳар бир снёсий ходимга юборилган. Ана шу директивага нима ёзилган бўлса, уларнинг ҳаммаси бутун уруш мобайнида менинг учун асосий иш бўлган:

«Жангчиларнинг кучини ва саломатлигини сақлаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилингиз. Солдатларни иссиқ овқат ва қайноқ сув билан узлуксиз таъминлаш асло бузилмас қоида бўлиши керак. Давлат жангчилар ва офицерлар учун ажратаётган нарсаларнинг ҳаммаси уларнинг кўлига тўла-тўкис тегиши устидан қатъий контролни таъминлаш зарур. Бу ишда бепарво ва фаолиятсиз кишиларни қаттиқ масъулиятга тортиш керак. Санитария муассасаларининг ишига алоҳида эътибор берилиши зарур. Қўшилмаларнинг снёсий бўлимлари жанг майдонидан ярадорларни эвакуация қилиш учун ҳамда уларга ўз вақтида медицина ёрдами бериш учун жавобгар махсус ходимларни ажратишлари керак».

Бугун ҳам, жанглардан кейин орадан кўп йиллар ўтгандан кейин, биз кўпдан-кўп ишлар қатори урушда қатнашган кишиларни ҳамиша эсда тутишимиз зарур. Зотан, улар тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, уларга эътибор беришимиз, тириклигимиз ишларида кўмаклашишимиз — бу ҳокимият органларининг, барча гражданларнинг маънавий бурчи, бу — ҳаётимизнинг қонунидир.

(Давоми келгуси сонда).

# халқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ОЙНА ВА КОМПЬЮТЕР

**Польша Халқ Республикасига дераза ойналарини етказиб берувчи асосий корхоналардан бири бўлган Сандомирдаги завод ўзининг бутун маҳсулотини компьютер назоратидан ўтказмоқда.**

Ойна ишлаб чиқариш технологияси ғоят аниқ-пухта ишлашни талаб қилади. Бирор кишининг озгина бўлса ҳам эътиборсизлиги ва бепарволиги бутун коллективнинг ҳаракатини чиппакка чиқариши мумкин. Янги қурилишлар қад кўтараётган мамлакатимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида ҳозирги вақтда дераза ойналарига эҳтиёж катта.

Завод коллективи тобора ошиб бораётган топшириқни бажариш учун электроникага асосланиб ишламоқда.

● ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАН ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАМОҚДАЛАР

**Республика саноат корхоналари ва аграр саноат комплексларининг коллективлари бош йиллик учинчи йилнинг дастлабки кунлариданоқ зарбдорларча ишламоқдалар. Меҳнаткашлар Болгария Компартиясининг бўлажак миллий конференцияси шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.**

Селистра портининг ақил коллективи бир меъёрда ва уюшқоқлик билан ишламоқда. Коллектив юк ортиш-туширишда янгарь ойи учун белгиланган планни муддатидан илгари бажарди. Докерлардан иборат 4 бригада ва кранчилар экипажи шу ойнинг охиригача топшириқни 50 процентдан зиёд ошириб бажарадиган бўлди.

Смолянск округидаги «Горибсо» кон-саралаш комбинатининг шахтёрлари ҳам порт ишчиларидан орқада колмаяпти. Улар ҳар куни пландан ташқари ўнлаб тонна маҳсулот чиқармоқдалар.

(ТАСС).

## МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

«Жан юг» газетаси қуйидагиларни ёзади: миллий саноатнинг энг муҳим тармоқлари — металлургия, машинасозлик, энергетика, нефть химиясини вужудга келтиришда Совет Иттифоқи Ҳиндистонга катта ёрдам берди. Бунинг натижасида мамлакат экономикасининг давлат сектори ўз мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлаб олди: Бхилаи ва Бокарода металлургия гигантлари, Ранчида оғир машинасозлик заводи, Дургапурда кон-шахта асбоб-ускуналари заводи, Барауни ва Койялида нефтни қайта ишлаш корхоналари, Хардварда оғир электр ускуналари заводи ва бошқа катта корхоналар барпо этилди. Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик туфайли мамлакат маҳсулотнинг кўпчилик энг муҳим турлари билан ўзини таъминлайдиган бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон жаҳондаги саноат жиҳатидан ривожланган дастлабки ўнта давлат қаторига киради.

Ўтган йил кузда бош министр Мораржи Десаининг СССРга қилган визити вақтида Ҳиндистон — Совет иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга бўлган интилиш таъкидланди, деб ёзади газета.

Икки томонлама ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Совет ва ҳинд нефтчилари биргаликда ишлаб чиққан планга мувофиқ нефть ва табиий газ бўйича давлат комиссиясининг мутахассислари «қора олтинни» қидирмоқдалар ва нефть конларининг янги районларини ўзлаштирмоқдалар. СССР Ҳиндистонга пармалаш вишкаларини етказиб берди. Ана шу вишкалар ёрдамида бир неча минг метр чуқурликкача пармалаб разведка қилиш мумкин.

Мадхия-Прадеш штатидаги Синграул тошкўмир хавзаси СССРнинг кўмаги билан очилмоқда. Совет инженерларининг лойиҳасига биноан, бу ерда мамлакатдаги энг йирик кўмир шахтаси барпо этилади. Совет Иттифоқи Ғарбий Бенгалия штатидаги Раниганч ва Бихар штатидаги Рамгарх районларидаги конларни ўзлаштиришда ёрдам беради. Рамгархдаги тошкўмир ҳавзасини ўзлаштириш Бокародаги металлургия комбинатини зарур миқдордаги хом ашё билан таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир, деб ёзади пировардида «Жан юг» газетаси.

## ЯНА ҚУРОЛЛИ ҲУЖУМ

**Вьетнам информация агентлиги Вьетнам Социалистик Республикасининг территориясига яна Камбоджа қуролли ҳужумлар қилганлиги тўғрисида ахборот эълон қилди.**

21 январдан 28 январгача Камбоджа қўшинлари ВСР территориясида неча марта разведка операциялари ўтказдилар ва Вьетнамнинг марказий платосидаги Зялай-Контум ва Дарлак вилоятлари чегара районларини ўққа тутдилар. Камбоджа бўлинмаларя 27 январь куни Тэйнинь вилоятига бостириб кириш чоғида ўлганлар ва ярадорлар бўлиб салкам 200 солдатидан, шунингдек жуда кўп ҳар хил қурол-яроғларидан маҳрум бўлдилар.

30 январда Камбоджанинг ҳарбий кемалари Хатьен порти яқинида Сиам қўлтиғида бўлган Вьетнамнинг балиқчи қайиқларини ўққа тутдилар. Шу куни Анзянг вилоятининг маъмурий маркази — Тяудок шаҳри Камбоджа территориясидан тўпга тутилди. 31 январда бошқа бир вилоят маркази — Хошимин шаҳридан 90 километр шимолдаги Тэйнинда шаҳар атрофи районлари тўпга тутилди. Тэйнинда тинч аҳолидан 30 киши ўлдирилди ва жароҳатлантирилди.



Чехословакия Фанлар академиясининг Прага яқинидаги Астрономия институтига қарашли обсерваторияси халқаро аҳамиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади. Бу ерда самовий жисмларни ўрганишда кейинги йилларда жуда катта муваффақиятларга эришилди. Суратда: обсерватория инженери Вацлав Новотний «Интаркосмос» йўлдошидан навбатдаги сигналларни қабул қилиб олмоқда.

ЧТК — ТАСС фотоси.

## АНГОЛА МУДОФАА МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ЛУАНДА. (ТАСС). Ангола Халқ Республикасининг мудофаа министрлиги Жанубий Африка Республикаси ва Заирнинг Анголага қарши янги агрессив ҳуружларини қоралади.

Заир маъмурлари ва Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари, дейилади министрликнинг баёнотида, ФНЛА ва Унита гуруҳларидаги қўғирчоқ шайкаларни қуроллантириб, бизнинг мамлакатимизга жўнатибгина қолмай, ўзларининг ҳарбий хизматчиларини ҳам Ангола территориясига юбормоқдалар. Ана шу жиноий агрессия ҳуружлари Заир территориясида ва Жанубий Африка ирқчилари босиб олган Намибия территориясида амалга оширилмоқда.

Мудофаа министрлиги хабар беради: ўтган йилнинг 4 октябридан шу йилнинг 13 январига қадар Ангола Халқ Республикасининг Заир билан чегарадош жойларида Ангола территориясига 23 марта бостириб кирилганлиги қайд қилинди. Ана шундай ҳужумларнинг бирини даф қилиш вақтида Заир армиясининг бир сержанти асир олинди. Заир солдатлари 12 ва 13 январдаги сўнгги қуролли ғиғоғарлик вақтида Ангола Халқ Республикаси территориясига суқилиб кирдилар ва Анголанинг Намутенга ва Салассамба қишлоқларига ҳужум қилдилар.

Анголанинг жанубида дейилади министрликнинг баёнотида, Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг қуролли кучлари чегарани ҳануз бузиб ўтмоқдалар.

# МОНГОЛ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

Барча совет кишилари Монголия меҳнаткашлари билан биргаликда Монголия Халқ Революцион партиясининг ташкилотчиси, халқ революциясининг доҳийси Сухэ Баторнинг туғилган кунига 85 йил тўлишини нишонламоқдалар.

Сухэ Батор 1893 йилда Урге шаҳри яқинида туғилди. Унинг дастлабки фаолияти 1912 йилда ҳарбий хизматга чақирилгандан сўнг бошланди. Бу даврларда синфий ва миллий зулмнинг энг даҳшатли формаларини бошидан кечираётган, саводсизлик, қоронғиликка маҳкум этилган монгол халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга аста-секин кўтарилиб бормоқда эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси монгол халқи антиимпериалистик, антифеодал курашининг янада кенг кўламда авж олишига олиб келди. Россияда бўлиб ўтган улкан революцион воқеалар ёш Сухэ Баторга ҳам чуқур таъсир этди. У Россия ишчилар синфининг большевиклар партияси раҳбарлиги остида эришган ғалабаларини чуқур ўрганиш асосида Монголиядаги революцион ҳаракатнинг моҳияти, уни янада ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ҳам тўларок тасаввур кила бошлади. Сухэ Баторнинг бу даврдаги ғоявий ва сиёсий карашлари шаклланишига ва ривожланишига маълум сиёсий кураш тажрибасига эга бўлган рус ишчилари чуқур таъсир кўрсатдилар.

У 1918 йилда, босмахонада оддий харф терувчи бўлиб ишлаб юрган вақтида, Урге шаҳрида революцион тўгарак ташкил этди. Сўнгра бу тўгарак Чойбалсан томонидан ташкил этилган иккинчи ана шундай тўгарак билан бирлашиб, Монголия Халқ партиясининг биринчи пойдеворини ташкил этди. Монгол халқи ажнабий империалистлар, уларнинг маҳаллий малайларига карши қуролли кураш олиб бораётган мураккаб шароитда Сухэ Батор рус ишчилари билан, Советлар Россияси билан алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун барча тадбир ва чораларни кўрди. Бу мақсад учун олиб борилган курашда у маҳаллий реакцион кучлар уюштирган ғғоларни фош қилиб ташлади.

1920 йил август ойида монгол халкининг вакиллари ёш Советлар мамлакатига келдилар. Сухэ Батор Совет ҳукуматига монгол халқи томонидан ёзилган мактубни топширди. Бу мактубда Монголия меҳнаткашларининг оғир иқтисодий ва сиёсий аҳволи, миллий ва синфий зулмга карши олиб бораётган кураши, бу курашда монгол халқи Совет ҳукуматининг ёрдамига муҳтож эканлиги кўрсатилган эди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси, Совет ҳукумати мамлакатимиз олдида катта сиёсий ва иқтисодий қийинчиликлар турганига қарамасдан монгол халкига ёрдам кўлини чўзди.

1921 йил март ойида Монголия Халқ партиясининг I съезди бўлиб ўтди. Сухэ Батор партия Марказий Комитети аъзоси қилиб сайланди. Ташкил этилган муваққат халқ ҳукуматида у ҳарбий министр, қуролли кучларнинг Бош қўмондони қилиб тайинланди. Сухэ Батор бошчилик қилган халқ қуролли кучлари мамлакатни япон империализми малайларидан, Хитой милитаристлари зулмидан халос қилишда катта жонбозлик кўрсатдилар, Қизил Армия кисмлари билан биргаликда барон Унгерн оқ гвардиячи отрядларини тормор қилишда ҳам бевосита иштирок этдилар. 1921 йил ноябрь ойида Сухэ Батор монгол делегацияси составида иккинчи марта Москвага келди. Бу делегацияни Владимир Ильич Ленин қабул қилди. В. И. Ленин қабул вактида монгол халкининг манфаатлари, мамлакатдаги революцион жараёнинг истиқболлари ҳақидаги кўпгина масалаларни чуқур ёритиб берди. Шу йили Москвада РСФСР билан Монголия Халқ ҳукумати ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга бағишланган биринчи ҳужжат имзоланди. Монголия Халқ партияси мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, социал тараққиётини таъминлаш борасидаги ўзининг биринчи қадамларини Сухэ Батор ва Чойбалсан раҳбарлигида амалга оширди. Партия асосий оммаси саводсиз араатлардан иборат бўлган мамлакатда Совет Иттифоқи, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тажрибасига, уларнинг бевосита ёрдамига таяниб иш кўрди. Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети биринчи секретари Ю. Цеденбел бу ҳакда шундай дейди:

«Монгол халкининг ўз миллий ва социал озодлиги учун, ўз Ватанининг социал тараққиёт йўлида ривожланиб бориши учун курашида раҳбарлик ролини ўйнаши мумкин бўлган ишчилар синфининг йўқлиги халқаро коммунистик ҳаракат билан маҳкам алоқа боғлаган ва унинг ғоявий позицияларига таянадиган халқ революцион партиясининг тузилиши ва мустаҳкамланиши билан маълум даражада компенсация қилинди».

Сухэ Батор узоқ умр кўрмади. У 30 ёшида 1923 йил март ойида реакцион кучлар уюштирган фитна натижасида ҳалок бўлди. Шунга қарамай у Монголия Халқ революцион партиясининг ташкилотчиси, халқ революциясининг етук раҳбари, монгол халкининг доҳийси бўлиб қолди.

Монгол халқи Сухэ Батор бошлаб берган катта тараққиёт йўлини муваффақият билан давом эттирди. Монголия Халқ партияси катта ғоявий-сиёсий, ташкилий чиниқиш йўлини босиб ўтиб, революцион демократик партиядан изчил марксчи-ленинчи партияга айланди. Партиянинг 1924 йил 4 августда бўлиб ўтган III съезди капитализмни четлаб ўтиб, социализмга бориш монгол халкининг асосий тараққиёт йўли эканлигини белгилаб берди. Ана шу съездан бошлаб, Монголия Халқ партияси Монголия Халқ революцион партияси деб атала бошлади. 1924 йил 8 ноябрда Урге шаҳрида очилган биринчи Буюк Халқ Хурали Монголиянинг янги Конституциясини қабул қилди ва Монголия Халқ Республикаси деб эълон қилинди.

Осиёнинг марказидаги улкан территорияда жойлашган ёш республиканинг иқтисодий ва сиёсий, маданий ва ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлари халқаро империализмни ташвишга солиб қўйди. 1937 йилда япон империалистлари Монголия Халқ Республикасига қарши турли фитналарни уюштира бошладилар. Уларнинг бу кирдикорлари АҚШ, Англия, Германия сингари йирик империалистик давлатлар томонидан тўла маъқулланган эди. 1939 йил май ойида Япониянинг қуролли кучлари Монголия тупроғига бостириб кирдилар. Ана шундай оғир шароитда совет халқи Монголия меҳнаткашларига яна бир бор ёрдам кўлини чўзди. Совет Қуролли Кучлари Монголия Халқ Республикаси қуролли кучлари билан биргаликда япон интервентларига қақшатқич зарба бердилар.

Монгол халқи сўнгги йилларда Халқ революцион партияси раҳбарлигида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Монгол халкининг барча ютуқлари Сухэ Батор орзу қилган ғоялар амалга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Олий Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбел КПСС XXV съездида табрик нутқи сўзлаб шундай деган эди: «Биз улуғ Ленин ва монгол халқ революциясининг раҳбари Сухэ Батор томонидан ёқилган монгол-совет дўстлиги машъали марксчи-ленинчи партияларимизнинг ишончли қўлларида эканлигидан қувонамиз ва фахрланамиз. Бу машъал халкларимизнинг бузилмас қардошлигининг рамзи сифатида сўнмай ва абадий ёниб туради».

**Э. ЮСУПОВ,**
**Совет—Монголия дўстлиги жамияти Узбекистон бўлими правлениесининг раиси.**

**Ешлар ва студентларнинг Берлинда бўлиб ўтган ўнинчи Жаҳон фестивалининг лауреати ҳамда Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган «Ялла» давлат вокал-инструментал ансамбли янги концерт программасини тайёрлади. Суратда: «Ялла» ансамбли саҳнада.**

**А. Рисқиев** фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ФУТБОЛ

# Мавсумолди сафари

Олий лига коллективлари қатори мавсумга ҳозирлик кўраётган «ПАХТАКОР» командаси футболчилари чемпионатга шайланишнинг навбатдаги босқичини ўтказиш учун Болгарияга жўнаб кетдилар.

**Собиқ пахтакорчи, республикада хизмат кўрсатган тренер Ҳамид Раҳматуллаев қадрдон коллективига яна қайтиб келди. У икки йил мобайнида совет футболининг таниқли устозлари Б. Аркадьев, М. Якушин, Г. Качалин, В. Маслов, ака-ука Старостинлар, Н. Морозов, А. Фальян наби тренерларга муносиб ўринбосарлар тарбиялаб етиштириш мақсадида ўқишга жалб этилган В. Капличний, Ю. Пшеничников, Вад. Иванов, Э. Малофеев, К. Асатиани, Ю. Захаров, В. Федотов, В. Хмельницкий, Н. Киселевлар қатори тренерлар олий мактабида таҳсил кўрган эди.**

**— Янги ташкил этилган тренерлар мактабининг биринчи талабалари сифатида бизга эътибор билан қарашди, — дейди «Пахтакор» командасининг тренери Ҳ. Раҳматуллаев. — Малакали ўқитувчи-олимлардан назарий таҳсил олибгина қолмай, амалий машғулотлар ўтказишга ҳам кўп вақт ажратилди. Ҳафтада икки марта Ватанимиз пойтахтининг спорт базаларида, мастерлар командаларида, шунингдек чет элларда билимларимизни амалий машғулотлар билан мустаҳкамлаш учун шароит яратилди. Мен Бельгиянинг «Стандард» командаси машғулотларида қатнашдим. Чет эл футбол командаларининг ўйинлари ва машқларини совет футболи билан қиёслаганда тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Бизда коллективизм, юксак интизом биринчи ўринга қўйилиши ўз-ўзидан маълум. Лекин, чет эл командаларида ҳам ўрганса арзигулик томонлар бор. Чунончи, болалар ва ўсмирларнинг абжир ва тезкорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилса ёмон бўлмасди...**

**«Пахтакор» футболчиларининг мавсумга тайёргарлиги хусусида нима дейиш мумкин. Аввало шуни айтиш керакки, «Неделя» ҳафталик газетаси совғини учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида пахтакорчилар шаънига яхши гаплар айтилди. Олий лигачилар билан тап тортмай куч синашган футболчиларимиз ҳақида мутахассислар ижобий фикрлар билдиришди. В. Фёдоровнинг турнирнинг энг яхши ҳужумчиси деган номга сазовор бўлганлиги мухлисларни беҳад қувонтирди.**

**Маълумки мавсум олди учрашувлари чемпионатга шайланишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу боисдан пахтакорчилар яна анъанавий сафарга, Болгарияга йўл олдилар. У ерда қариб икки ҳафта мобайнида мавсумга тайёргарлик кўрилади. Футболчиларимизнинг халқаро турнирда иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.**

**Команда составидаги ўзгаришлар ҳақида аввал маълум қилган эдик. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, пахтакорчилар сафига «Помир» командасидан Владимир Макаров қўшилди. Еши ўттизларга бориб қолган бу футболчини қабул қилишдан мақсад команданинг ҳужум чизғини мустаҳкамлашдир.**

**М. ЗОИДОВ.**

# МАЖИД ОҒАЕВ 143 ЁШДА

ЛЕРИК (Озарбайжон ССР). Мамлакатнинг энг кекса кишиси Мажид Оғаевни 143 ёшга кирганлиги билан қутлагани яқинда Толиш тоғларидан Тихябанд қишлоғига келган атроф қишлоқдаги тоғликларни қор босган йўллар ҳам тўхтата олмади. Оғаевнинг уйида қишлоқнинг ўнлаб кишилари йиғилишган бўлса-да, тантана оилавий характерда ўтди: йиғилганларнинг қариб ҳаммаси унинг авлодлари ва қавм-қариндошлари эди.

Қишлоқнинг юз ёшдан ошган бошка тўққиз нафар оксоқоли ҳам қарияга сиқат-саломатлик ва бахт-саодат тилагани келдилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам Оғаев каби бирон хасталикдан шикоят қилмайди, енгил жисмоний меҳнат билан шуғулланишда давом этмоқдалар. Мўйсафиднинг яқинда 110 ёшга кирган жияни Оғабону Ширвонова йиғилганлар номидан тантана соҳибини муборакбод қилди.

Мажид Оғаев қишлоқ Советининг депутати. Шу куни қишлоқ Совети Мажид Оғаевга телевизор ҳадя қилди.

Узоқ умрли рекордчилар билан шухрат қозонган Лерик районида бултур яна ўн бир мўйсафид бир асрлик марраДан ошди, Ҳозир бу ерда ёши юздан ошган 70 дан ортиқ кария яшамоқда.

Редактор
**М. ҚОРИЕВ.**

# «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

6—12 ФЕВРАЛЬ

## 6 ФЕВРАЛЬ ДУШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — «Ташвишдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди» (бадиий фильм, 1-серия). 12.10 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Сиз яратган боғ». 16.30 — «Звездочёт». 17.15 — Г. Абашидзе ижоди. 18.00 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Учинчи йил — зарбдор йил. 19.30 — «Қора нон» (бадиий фильм, 1-серия). 21.30 — «Вақт» 22.00 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.30 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

11.30 — География. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — География. 13.00 — «Қор маликаси» (бадиий фильм). 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.35 — Халқаро хаётнинг актуал проблемалари. 18.55 — «Сельская жизнь». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Адабий портрет. М. Шайхзода. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Операнинг ёш солистлари. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Юксалиш» (телеочерк). 22.10 — «Икки ўртоқ хизматда» (бадиий фильм).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.00 — «Айбсиз айбдорлар» (бадиий фильм). 20.35 — Қизиқарли математика. 21.05 — Янгиликлар. 21.25 — Чизма геометрия.

## 7 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.25 — «Натовский» (бадиий фильм). 11.30 — Концерт. 12.00 — «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Пушкин театри. 1-кўрсатув. 16.35 — «Жонажон табиат». 17.00 — Москваликларнинг ишчи кафолоти. 17.30 — «Олга, болакайлар». 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Фильм-концерт. 19.05 — «Инсон ва қонун». 19.35 — ССР Иттифоқи Большой театрида кеча. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Гитаралар жаранглаганда. 22.30 — Хоккей: ЦСКА — «Трактор».

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

18.00 — «Камалак». 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Халқ контроли экрани. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Техника ремонтига — аъло сифат. 19.50 — «Нафосат оламида». 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Сарсонлик-саргардонликда» (бадиий фильм, 1-серия).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.00 — Хоккей: «Бинокор»—«Молот» 21.15 — Ўқитувчи экрани. 21.45 — Олий математика.

## 8 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Ўқувчилар ижросида шеърлар. 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 1-серия. 12.25 — Концерт. 15.00 — «Меҳнатинг — иқболинг.» 16.00 — Ж. Вернинг туғилганига 150 йил тўлишига бағишланган қўрсатув. 16.30 — Москва комсомолининг ишлари. 17.00 — Концерт. 19.30 — «Фан оламида». 18.00 — «Горничилар, қаердасиз?» 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильм. 18.45 — «Бешинчи океан трассаларида» 19.30 — Спортлото. 19.40 — «Қора нон» (бадиий фильм, 2-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Баскетбол. «Спартак» (Л) — «Динамо (М). 22.35 — Концерт. 23.35 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — «Сарсонлик, саргардонликда» (бадиий фильм, 1-серия). 18.00 — Фильм-концерт. 18.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — «Қилмиш қидирмиш». (телеспектакль). 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Беш йиллининг уч йиллик плани — СССР Конституциясининг бир йиллигига). 22.15 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 2-серия).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПРОГРАММА**

19.00 — Фильм-концерт. 19.20 — Ўқитувчи экрани. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Тугаммас хазина. 20.40 — Биология. 21.10 — Физика.

## 9 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Горничилар, қаердасиз?» 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 2-серия). 12.10 — Концерт. 12.40 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 15.00 — Илмий-оммабоп фильмлар. 15.50 — «Бир парча шўрхок ер». 16.45 — «Алькоголизм ва уни даволаш». 17.15 — Рус тили. 17.45 — Орлёнок. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 18.55 — «Миллионлар ленинча университети». 19.25 — Концерт. 19.50 — «Қора нон» (бадиий фильм, 3-серия) 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.45 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

11.30 — «Звёздочка». 12.25 — Ўқувчилар учун қўрсатув. 12.55 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 2-серия). 18.00 — Ўзбекистон Ленин комсомолининг XXI съезди олдидан. 18.30 — Иқтисодий билимлар — оммага. 18.55 — Чорвачилик — тажриба ва муаммолар. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Назм ва наво». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 3-серия).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.00 — Физика. 20.00 — Эстетика. 20.40 — Реклама. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.40 — Назарий механика.

## 10 ФЕВРАЛЬ ЖУМА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 3-серия). 12.10 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Адабий ўқиш. 16.30 — Шахмат мактаби. 17.00 — Халқ қўйлари. 17.15 — Москва ва москваликлар. 17.45 — «Қувноқ стартлар». 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильм. 18.55 — Халқ ижоди. 19.40 — «Қора нон». (бадиий фильм, 4-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Олтин ноталар». 23.20 — Хоккей: ЦСКА — «Торпедо».

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

11.30 — Биология. 12.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.30 — Биология. 13.00 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 3-серия). 18.00 — Ленин комсомолининг 60 йиллигига. 18.30 — «Инсон ва қонун. 19.00 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари билан учрашув. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари билан учрашув. (давоми). 23.00 — Ҳужжатли фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.00 — Болалар учун фильм. 19.20 — Инглиз тилида сўзлашишга ўрганинг. 19.50 — Концерт. 20.20 — Металлурглар ўнинчи беш йилликка. 20.50 — Янгиликлар. 21.00 — Химия.

## 11 ФЕВРАЛЬ ШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Буратино кўғазмаси. 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 4-серия). 12.15 — Ота-оналар, сизлар учун. 12.45 — «Тонгги почта». 13.10 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 13.45 — «Хайвонот оламида». 14.45 — «Здоровье». 15.15 — «Ташвишдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди» (бадиий фильм, 2-серия). 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Хоккей. «Крылья Советов» — «Спартак». 19.15 — Концерт. 19.55 — Фильм-спектакль. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.50 — Концерт. 11.20 — Илҳом. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — У. Азимов. Оқ шарпа. (телетеатр). 17.50 — Юлдузча. 18.15 — Совет Армиясининг 60 йиллигига. 18.45 — Ота-оналар университети. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Кино олами. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Н. Пўлатова куйлайди. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Ораста кийининг. 22.20 — «Севги қиссаси» (бадиий фильм).

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

19.15 — Душанба кўрсатувлари.

## 12 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — «Вақт». 9.35 — Зарядкага сафланинг. 9.55 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Капкатта бола» (бадиий фильм). 13.20 — Қишлоқ янгиликлари. 14.20 — Музикали киоск. 14.50 — Ҳужжатли фильм. 15.10 — Халқаро панорама. 15.40 — Музикали программа. 16.35 — Мультфильмлар. 16.55 — «Юксак унвон» (бадиий фильм) 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — «Юксак унвон» (бадиий фильмнинг давоми). 20.10 — Фильм-концерт. 20.30 — «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 — «Вақт». 22.00 — Катта синфоник оркестр билан бир соат. 23.10 — Қонькида югуриш бўйича СССР чемпионати. 23.55 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Лирик концерт. 10.50 — Беҳоён Ватаним менинг. 11.05 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — Шахмат мактаби. 13.30 — Юлка (бадиий фильм). 14.40 — Реклама. 18.00 — «Малишок». 18.25 — Кинокўрсатув. 18.55 — Ер — бойлигимиз. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Шеърият кечаси. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Телеминиатюралар. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Акмал Пўлат. 23.30 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Труд» (Куйбишев).

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.


Реклама ва эълонлар

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/II да **Доктор Айболит** (кундузи), **Риголетто** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/II да **Она қизим.**

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ТАНИҚЛИ МАСХАРАБОЗЛАР СТАНИСЛАВ ШЧУКИН ВА ВАЛЕРИЙ СЕРЕБРЯКОВЛАР ИШТИРОКИДА ЯНГИ ПРОГРАММА (11.00, 16.00, 19.30).

## Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Хавфли кувиш** (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

**Никоҳ эълони бўйича танишув** — «МОСКВА» (20, 12, 14, 16, 18.20), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

**Хизматдош ошиқлар қиссаси** — «ИСКРА», (19.30), «ЯНГИОБОД» (кундуз ва кечқурун).

**Ҳурматли кишилар** — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).


●

**Узбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

**УЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ**

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ЕҒОЧСОЗ-СТАНОКЧИ (ўқиш муддати — 1 йил), ДУРАДГОРЛАР (3 йил), ФАНЕРЧИ (1 йил), ПАРДОЗЛОВЧИ (1 йил), ЕҒОЧСОЗЛИК УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ (3 йил), ПРЕССЧИ (1 йил), БАДИЙ ВА МОДЕЛЛИ МЕБЕЛЛАР ДУРАДГОРЛАРИНИ (3 йил) ТАЙЕРЛАНДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.**

**Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.**

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЕЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

ОБЛАСТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

**Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:** таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, меднинна справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

●

«Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси, Сергелий қурилиш материаллари комбинати, арматура цехи бошлиғи деб ёзилган йўқолган

ШТАМПИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, партия ва жамоат ташкилотлари телевидение режиссери Ҳасан Йўлдошевга онаси

**Уғилой ЙЎЛДОШЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

## Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

# Телевидение

**БУГУН**

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

10.05 — Фильм-концерт. 10.30 «Будильник». 11.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 13.00 — «Музикали киоск». 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — «Шоҳ марҳамати» (фильм-спектакль). 15.55 — Халқаро панорама». 16.30 — Мультфильмлар. 17.00 — Концерт. 17.20 — «Киносаёҳатчилар клуби». 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Чарли Чаплин иштирок этган фильмлар. 20.00 — Энг кучли фигурачиларнинг чиқишлари. Танаффусда — «Вақт». 22.30 — «Неждонова кўчасида». 23.45 — Кўл тўпи бўйича жаҳон чемпионати. Финал. 00.15 — Янгиликлар.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Бепоён Ватаним менинг. 10.30 — «Назм ва наво». 11.30 — Ота-оналар учун консультация. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Ёнар тоғ хазинаси» (бадиий фильм). 14.10 — «Кўча харакати хавфсизлиги учун». 14.50 — Реклама. 17.00 — Болалар учун фильм. 17.25 — Бойчечак. 17.55 — «Билиб қўйган яхши». 18.15 — «Ахборот». 18.30 — Концерт. 19.10 — Миниатюралар театри. 19.40 — «Ахборот». 20.00 — Москва. Кучли фигурачиларнинг чиқишлари. Танаффусда — «Вақт». 22.30 — «Кавказ асираси» (бадиий фильм).

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

# Радио

**БУГУН**

**Биринчи программа.** 8.30 — Янги музикали ёзуалар. 9.15 «Табассум». 10.15 — Москва... «С добрим утром». 11.30 — Бадиий ҳаваскорлар микрофон олдида. 12.10 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — «Қишлов—жиддий синов». 13.30 — Концерт. 14.00 — Мўл ҳосил усталари ҳақида ҳикоялар. 15.00 — «Мактаб ва ҳаёт». 15.15 — Киноафиша. 15.30 — Сўнгги ахборот. 15.40 — «Бой ила хизматчи». (спектакль). 18.00 — Москва. «Халқаро шарҳловчилар даврасида». 18.30 — Ҳ. Юсупова куйлайди. 19.00 — Т. Сулаймон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 19.20 — «Ёшлик». 20.25 — Концерт. 21.00 — Лирик тароналар. 22.00 — «Табассум», (такрорий). 22.45 — Сўнгги ахборот. 23.00 — Ўзбек халқ қўшиқлари.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Ц